Гидроциклонлар ёрдамида шламсизлантириш бу пульпа таркибидаги зарраларнинг ўлчамига қараб ажратиш бўлиб, флотация ёрдамида шламсизлантириш эса айнан лой-карбонатли шламларни кўпиклантириб (флотареагент ёрдамида) ажратишга асосланган.

Лой-карбонатли шламларни флотация ёрдамида шламсизлантиришда махсус шлам йиғгич реагентини қўллашдан олдин, шламни дастлаб флокулирлаш зарур бўлади.

Тюбегатан кони силвинитини флотация орқали шламсизлантириш жараёнини самарадорлигини текшириш учун, 3,2% ва 5% ли сувда эримайдиган қолдиқ сақлаган силвинит намуналарни флотация ёрдамида шламсизлантириш тадқиқотлари олиб борилди. Тадқиқотлар натижасида Тюбегатан кони силвинитини флотация орқали шламсизлантиришда суюқ ва қаттиқ фазалар нисбати, шунингдек йиғувчи ва флокулянтларнинг оптимал сарфи аниқланди.

Шлам флотацияси тадқиқотлар натижаларини н.о. ни кўпик махсулотига ажралиши ва флотация жараёнида шламни селективлик даражасига қараб баҳоладик. Селективлик даражасини кўпик холида ажратиб олинган шлам таркибидаги калий хлоридининг миқдорига асосланиб аниқланди. Бундан ташқари шламсизлантириш самарадорлиги, калий хлоридининг кейинги асосий флотация натижаларига қараб ҳам аниқланди.

Олиб борилган материал ва сув баланси ҳисобларига асосланиб, механик ва пневмо-механик флотамашиналарида борадиган жараёнлар, конструктив тузилиши ўзаро таққосланиб, шунингдек “Беларуськалий”, “Уралкалий” каби калий ўғити ишлаб чиқарувчи корхоналар тажрибаларидан келиб чиқиб МПМ-45 русумли пневмо-механик флотамашинани танланди.

Илмий-тадқиқот ишлар натижалари Тюбегатан кони силвинитини “Дехқонобод калийли ўғитлар заводи” да мавжуд 2 босқичли

гидроциклонларда шламсизлантиришдан кейин, учинчи босқич флотация орқали шламсизлантириш усулини қўллаш юқори самара беришини кўрсатди.

КАТАЛИТИК МЕТАЛЛ ИОНЛАРИНИНГ ТЕРМИК БАРҚАРОР ҚОРА ОРЛОН ТОЛАСИ СИРТИГА СОРБЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ФИЗИК АНАЛИЗ УСУЛИ

Б.Ф. Рахманов, М.Г. Мухамедиев
Ўзбекистон Миллий Университети

Саноат миқёсидаги барча ишлаб чиқариш жараёнлари ХХІ асрга келиб, инқилоб даражасида тубдан ўзгарди. Яъни, фақат ишлаб чиқариш сифати ёки таннархи билангина эмас, балки нанотехнология асосида чуқур илмий ёндашувни ва бу асосда инсон ақлига монанд олий даражали маҳсулотлар ва материаллар ишлаб чиқаришни тақозо этди.

Жумладан, ишлаб чиқаришнинг асосида кимё фанининг роъли катта бўлиб, нанотехнология асосида яратилган маҳсулот ва материалларнинг олий сифат кўрсаткичини аниқлашда аналитик кимё (хусусан, физик анализ усули) дан фойдаланилади.

Биламизки, деярли барча кимёвий реакциялар (маҳсулот ва материалларнинг ишлаб чиқариш асоси) ташқаридан энергия берилиши билан боради. Энергия маҳсулот таннархини оширгани боис, камайтириш мақсадида катализаторлардан фойдаланилади. Катализаторларнинг асоси эса, металллар ва уларнинг хосилаларидир. Катализаторларнинг каталитик хусусияти унинг сиртида кимёвий реакциялар кетишини инобатга олсак, бу минимал имкониятдан фойдаланиш демакдир. Яъни, каталитик металлнинг жуда кичик сирт атом тўпламлари ($n \cdot A$) қатнашиб, ички катта қисм атом тўпламлари ($m \cdot A$) қатнашмайди. Нанотехнология асосида бу камчиликни бартараф этиш мумкин.

Реакцияларнинг аксарияти юқори температурада боришини инобатга олиб, термик барқарор қора орлон толаси сиртига каталитик хусусиятга эга Cu^{2+} , Ni^{2+} ва VO_2^+ ионлари сорбцияланиши ўрганилди ва сорбцияланишнинг изотермалари, кинетикалари, термодинамик параметрлари ва тола сиртига хемосорбция асосида ионларнинг сорбцияси аниқланди. Бундай муҳим маълумотларни олишда аналитик кимёнинг физик анализ усулидан фойдаланиб, mecasyс KSL-1199 (Optizen II) спектрофотометри қўлланилди.

ANALITIK KIMYONI O'QITISHNING ILMIY-USLUBIY ASOSLARI

E.A. Ro'ziyev, I. Ergashev, A. Qarjavov, Q. Sovetov

Samarqand davlat universiteti,

Samarqand meditsina instituti

Respublikamizda ta'lim tizimining rivojlanishi, mukammallashuvida „Kadrlar tayyorlash milliy dasturi“ uzluksiz ta'limning tamomila yangi tizimini, yangi ta'lim mazmunini takomillashtirishga hamda yangi ilg'or pedagogik texnologiyalarini joriy etishga qaratilgan bo'lib hozirgi paytda navbatdagi bosqichga - sifat bosqichiga kirdi. Bu esa ta'limni nafaqat o'quv-uslubiy jihatdan, balki ilmiy- uslubiy jihatdan ham kuchaytirishni talab etmoqda. Fundamental fanlarni o'qitishda, ayniqsa, yangi ilmiy texnologiyalarga asoslangan zamonaviy ta'lim olish uslubiyatini yaratish, ta'lim tizimida axborot texnologiyalarini qo'llash zamonaviy asbob-uskunalar bilan ta'minlash va foydalanish ta'lim sifatini oshishida muhim ahamiyatga egadir.

Kimyo fanlaridan analitik kimyoni o'qitish uning nazariy asoslarini mukammal tushunishdan amaliy jihatlarini va u bilan bog'liq bo'lgan tabiiy fanlarning ilg'or jihatlari bilan qo'shib olib borishdan, ulardan foydalanishdan, har bir analitik natijani matematik statistika usullari yordamida metrologik jihatdan baholashdan, turli analitik usullarda olingan ma'lumotlarni ilmiy-metodik nuqtai nazardan asoslashdan iborat bo'ladi.

Analitik kimyoda analitik ob'yektlar analizi fizikaviy, fizik-kimyoviy usullar yordamida bajarishda elektrometrik va optik kattaliklarning barchasidan aniq modda miqdori va sifatiga bog'liqligi xususiyatlaridan foydalaniladi. Shuning uchun ham ta'lim tizimida o'qitishning ilmiy-metodik jihatdan yuqori bo'lishini ta'minlashda bir- biriga yaqin bo'lgan fanlar aloqalaridan foydalanish lozimdir.

Fanlarning bir-biriga bog'liqligini analitik kimyo fanini o'qitishda quyidagi tizim asosida yo'lga qo'yish maqsadga muvofiqdir:

-analitik ob'ektlarni o'rganishdagi umumiylik va turli qonunlar, tushunchalar va nazariyalarning umumiyligi;

- ilmiy uslubiyatlarning qo'llanilishidagi umumiylik va aqliy faoliyat usullarining umumiyligi;

-fanlarning birgalikdagi istiqbolli aloqalari va mantiqiy-strukturaviy sxema va usullarning umumiyligi;

-axborot texnologiyalari, zamonaviy o'lchov vositalari va fundamental tadqiqotlar jarayonidagi o'xshashlik va umumiyliklardan iborat.

Bugungi kunda tayyorlanayotgan analitik bakalavr va magistrlar tor doiradagi alohida mutaxassislik bilan cheklanib qolmasdan, xalq xo'jaligining turli sohalarida ishlab ketish imkoniga ega bo'lishini nazardan chetda qoldirmasligimiz zarur. Shuning uchun ham bugungi talaba o'quv rejasida ko'zga tutilgan fanlarni o'zlashtirish bilan birgalikda yangi axborot texnologiyalarini, zamonoviy o'lchov vositalarini mukammal o'zlashtirishga harakat qilishi lozim.

Universitetimizning analitik kimyo kafedrasida o'qitishning zamonoviy usullaridan foydalanib, ilmiy-uslubiy jihatdan tashkil etilganligi respublikamizning ko'plab universitet va institutlariga o'rnak bo'larli darajada ekanligi ma'lumdir. Kafedramizda talababalar va magistrlar o'quv jarayoniga mos zamonaviy o'lchov vositalari, apparaturalarini alohida ixtisoslik kurslari (elektrokimyoviy analiz usullari, spektroskopik analiz usullari, gazlar analiz, xromatografik analiz usullari) laboratoriyalari va bundan tashqari, umumiy kurslar uchun fizikaviy tadqiqot usullari, fizik-kimyoviy tahlil usullari, laboratoriyalarida muvaffaqiyat bilan foydalanib kelmoqda.

Analitik kimyo mutaxassisligi bo'yicha magistratura va doktorantura faoliyat ko'rsatib kelmoqda va unga har yili Navoiy, Buxoro, Qarsi, Nukus, Jizzaxdagi oliy o'quv yurtlari bakalavrlari ham qabul qilinadi. Magistrarga tanlangan ilmiy mavzular kafedradagi ichki imkoniyatlar darajasida zamonaviy analitik kimyo muammolarini hal etishga qaratilgan bo'lib, ularga kafedramizning yetakchi olimlari rahbarlik qiladilar va har bir yangi mavzudagi dissertatsiya hozirgi zamon rivojlanish tendensiyasini tashkil etuvchi avtomatik va yarim avtomatik qurilmalar yaratish bilan yakunlanishi maqsad qilib qo'yilgan.

ANALITIK KIMYO TARIXINI YORITISH MUAMMOLARI

E.A.Ro'ziyev

Samarqand davlat universiteti

Aniq va tabiiy fanlar tarixini yoritish shu yo'nalishdagi fanlarni o'qitishni gumanitarlashtirish muaommosi bilan qo'shib olib boriladi. Barcha mamlakatlarda bo'lgani kabi bizning respublikamizda ham xalqimiz tarixini yoritish bilan birgalikda alohida fanlar tarixini yoritish ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Analitik kimyo tarixini yoritish bo'yicha analitik kimyo kafedrasida ko'p yillardan beri tadqiqotlar olib borilmoqda. Analitik kimyo kafedrasida bundan oldingi yillarda analitik kimyo mutaxassisligi magistrilariga ixtisos kursidan ma'ruzalar ham o'qilgan. Shundan beri analitik kimyo tarixiga respublikamiz kimyogar olimlarining analitik kimyo tarixiga oid ishlarini yorituvchi bitiruv malakaviy ishlari ham bajarilgan.

2011-yilda dots. E.A.Ro'ziyev tomonidan SamDU nashriyotida chop etilgan "Analitik kimyo tarixi" nomli o'quv uslubiy qo'llanmasida analiz usullarining rivojlanish tarixi bugungi kungacha bo'lgan davrlarni o'z ichiga olgan. Qo'llanmaning so'ngida respublikamiz kimyogarlarning (asosan Toshkent shahridagi oliy o'quv yurtlarida faoliyat ko'rsatayotgan kimyogar olimlar misolida) analitik kimyo sohasiga va rivojiga qo'shgan hissalarini to'g'risidagi ma'lumotlar kiritilgan.

Analitik kimyo fanining va unda Samarqandlik kimyogar olimlarining analitik kimyo sohasida respublikamiz kimyogar olimlari orasida o'z o'rniga va

salohiyatiga ega ekanligini tarixiy va arxiv ma'lumotlari asosida o'rganish analitik kimyo fanining ham dolzarb muammolaridan biridir.

Samarqand kimyogarlarining respublikada analitik kimyoning rivojlanishiga qo'shgan hissalarini yoritishda asosiy tadqiqot ob'ekti sifatida Samarqand davlat universiteti tabiiy fanlar fakul'teti kimyo bo'limi analitik kimyo kafedrasida, bo'limning boshqa kafedralari va Samarqand shahridagi Oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida mehnat faoliyatini o'tayotgan kimyogar olimlar va analitiklarining hayot faoliyati va o'quv-ilmiy sohadagi ishlari tanlandi.

To'plangan ma'lumotlar ilmiy metodik ishlar jumlasiga kiradi, chunki to'plangan barcha materiallar olimlarning shaxsiy fikrlari, ilmiy metodik ishlari, ilmiy tadqiqotlari natijalari berilgan ilmiy hisobotlar, nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalari hamda avtoreferatlari, fakultetlar, oliy o'quv yurtlari va kafedralar tarixlari yoritilgan adabiy manbalardan olingan.

Analitik kimyo tarixining keyingi qismida analitik kimyo kafedrasida mehnat faoliyatini o'tagan va bugungi kunda ham shu kafedrada mehnat qilayotgan professorlar Hamraqulov T.K., Alekseyevskiy V.A., Fayzullayev O.F., Abduraxmanov E.A., Kabulov B.D., Muhammadiyev N.Q. va o'qituvchi-dotsentlar Titova I, Ataulloyev H.A., Zokirov N.S., Mirzayeva L.N., Bozorov Z.B., Quvatov A.Q., Murodov Q.M., Ro'ziyev E.A., Toshmatova R., Ergashev I.T. kabilarning hayot faoliyati, ilmiy ishlari, o'quv-uslubiy ishlari, yaratgan darsliklari, nomzodlik va doktorlik dissertatsiyalariga rahbarliklari, oilaviy hayoti kabi ko'plab xislatlari to'g'risida ham ma'lumotlar yig'ishga alohida e'tibor berilgan.

Samarqand shahrida mavjud bo'lgan oliy o'quv yurtlaridan Samarqand Meditsina instituti, Samarqand qishloq xo'jaligi instituti va bir qancha akademik litseylarda yoshlarga ta'lim berayotgan fidoyi kimyogar olimlarning ham analitik kimyoga oid ilmiy tadqiqotlarini hamda ularning fan sohasidagi ilmiy, ilmiy-uslubiy va o'quv-uslubiy ishlarini yoritishga harakat qilingan.

SamDU analitik kimyo kafedrasining professori Ergashboy Abduraxmanov mustaqilligimizning 21 yilligi arafasida mamlakatimiz Prezidenti Farmoni bilan „Mehnat shuhrati“ ordeni bilan taqdirlangani ham bejiz emas.

Qo'llanmaga kiritish uchun mo'ljallanayotgan respublikamizning boshqa oliy o'quv yurtlari va ilmiy-tekshirish institutlarida mehnat qilayotgan kimyogar olimlarning analitik kimyo tarixiga qo'shayotgan hissalarini yoritish uchun ushbu ilmiy-amaliy anjuman ishtirokchilaridan va tashkilotchilaridan ma'lumotlar to'plashni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik.

**МИКРОКАЛЦИТДАН КАЛЬЦИЙ ЦИАНАМИД СИНТЕЗИДА
ҲАЖМИЙ ТЕЗЛИКНИНГ МАҲСУЛОТДАГИ АЗОТНИНГ
МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ**

О.Х. Панжиев, З.Э. Қурбонов,

Қарши мухандислик-иқтисодиёт институт


Маҳаллий хом-ашёлар асосида минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, айниқса кальцийли ва ишқорли кальций цианамиди ва шунга ўхшаган ўғитлар ишлаб чиқарилиши катта аҳамиятга эгадир. Микрокалцитга, аммиак ва экспанзер газы таъсир эттириб кальций цианамиди олиш учун бир қатор физик кимёвий тадқиқодлар ўтказилди.

Кальций цианамид синтезида ҳажмий тезликнинг маҳсулотдаги азотнинг миқдориға боғлиқлигини ўргандик. Бошланғич газ арлашманинг ҳажмий тезлиги 6000 соат⁻¹ гача ошиши билан маҳсулотда азотнинг миқдори кескин ошиб кетади (24,3 дан 30,4% гача. Ҳажмий тезликнинг кейинчалик ошиши билан маҳсулотда азотнинг миқдори сезиларли ошмаган.

Кўпчилик гетероген каталитик ва нокаталитик жараёнларда оптимал ҳароратда ҳажмий тезлик бошланғич газ аралашмадаги нисбатга ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун кейинги тадқиқотларда ҳарорат ва ҳажмий тезликдан ташқари барча параметрларнинг доимийлигида кальций цианамид синтези бўйича экспериментлари сериялари ўтказилди (1 -расм).

Олинган маҳсулотдаги азот миқдорининг графигини таҳлили шунини кўрсатдики, тадқиқот қилинган ҳарорат ва ҳажмий тезликлар оралиғида кальций цианамиднинг оптимал синтез ҳароратини 800⁰С деб хулоса қилиш мумкиндир.

Олинган экспериментал маълумотларнинг ўзига хос хусусиятларидан шу бўлдики, ҳажмий тезлик 4500 соатдан юқори бўлганда 800⁰С оптимал ҳароратга нисбатан 700 ва 900⁰С ҳароратларда маҳсулотда азотнинг миқдори кам кам ҳосил бўлди. Бундан ташқари 700⁰С ҳароратда олинган маҳсулотда ҳам 900⁰С ҳароратга нисбатан азот кам миқдорда ҳосил бўлди. Буни қуйидагича тушунтириш мумкин: 700⁰С ҳароратда кальций цианамиднинг чиқиши асосан оҳакнинг фаоллигига боғлиқ бўлади ва ҳарорат 900⁰С гача ошиши билан оҳакнинг фаоллиги кескин камайиб кетади. Натижада оҳак, аммиак ва углерод диоксидлар орасида ўтадиган экзотермик кимёвий реакцияга нисбатан ҳароратнинг салбий таъсири бошланади.



1-расм. Микрокалцитдан CaCN_2 синтезига бошланғич газ аралашманинг хажмий тезлигини ва ҳароратни таъсири ($\text{CO}_2 : \text{NH}_3 = 1:12$)

Графикдан кўришиб турибдики, 700°C ҳароратда 900°C ҳароратга нисбатан кальций цианамиднинг чиқиши хажмий тезликка боғлиқ бўлади. Ушбу қонуниятни кальций цианамид синтезига газсимон маҳсулотларнинг (CO_2 , H_2 ва H_2O) салбий таъсир кўрсатиши билан ифодалаш мумкин. Катта хажмий тезликларга (4500 соат⁻¹ дан ошиқ) нисбатан кичик хажмий тезликларда юқоридаги салбий таъсир кучлироқ сезилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Беглов Б.М. Состояние и перспективы производства и применения минеральных удобрений в Узбекистане// *Kimyo va kimyo texnologiyasi*.-2003- №1.- с.8-16.
2. Якубов Ш.А., Панжиев О.Х. Синтез цианамида кальция на базе местного сырья и отходов промышленности// *Материалы второй Всероссийской научно – технической конференции*. Уфа: 2000. - с.128-129.

РАСТВОРИМОСТЬ H_2S И CO_2 В КОМПОЗИЦИОННОМ АБСОРБЕНТЕ С АКТИВАТОРОМ АВРП

О.Ю.Арипджанов, Ш.П.Нуруллаев, С.М.Турабджанов
Ташкентский химико-технологический институт

Положительное степени регенерируемости композиционного сорбента ДЭА+МДЭА+АВРП позволяет предположить, что добавка активатора АВРП уменьшает растворимость H_2S и CO_2 в ДЭА и МДЭА. С целью проверки этого была определена равновесная растворимость H_2S и CO_2 в смеси ДЭА+АВРП и МДЭА+АВРП.

Испытывались следующие абсорбенты: -ДЭА, ДЭА+20%АВРП, МДЭА, МДЭА+20%АВРП, ДЭА+МДЭА+20%, ДЭА+МДЭА+ 40% АВРП. Температура абсорбции 25°C ; 40°C ; 70°C ; парциальное давление газов

1÷100кПа, разбавитель – азот, концентрация ДЭА и МДЭА была равна 50% масс. Из результатов опытов.

Найдено, что растворимость H_2S и CO_2 уменьшается в ряду (ДЭА+МДЭА+30%АВРП) < (ДЭА+МДЭА+40%АВРП) < ДЭА+МДЭА, причем эффект более заметен при повышении температуры. Так при парциальном давлении H_2S 10кПа и температуры 25°С растворимость H_2S уменьшается от 0,46 моль/моль для МДЭА, до 0,40 моль/моль (в 1,42 раза) для МДЭА+20%АВРП и до 0,35 моль/моль (1,42раза) для МДЭА+40%АВРП.

При температуре 70°С растворимость H_2S составляет 0,12; 0,10; 0,08 моль/моль, т.е. уменьшается 1,14 и в 1,35 раза. Примерно такая же закономерность наблюдается в случае абсорбции CO_2 .

Для расчета равномерной растворимости H_2S и CO_2 в композиционном абсорбенте - ДЭА+МДЭА+АВРП предложено эмпирическое уравнение, описывающее экспериментальные данные в пределах ±10% относительно:

$$\left. \begin{aligned} \ln L_{\text{АВРП}} &= \ln L_{\text{ДЭА}} - k C_{\text{АВРП}}^{(1-L_{\text{ДЭА}})} \\ \ln L_{\text{АВРП}} &= \ln L_{\text{МДЭА}} - k C_{\text{АВРП}}^{(1-L_{\text{ДЭА}})} \end{aligned} \right\} (1)$$

где: $L_{\text{АВРП}}$ - равновесная растворимость H_2S и CO_2 в (ДЭА+МДЭА+АВРП), моль/моль амина,
 $L_{\text{МДЭА}}$ (или ДЭА) - равновесная растворимость H_2S и CO_2 в МДЭА(или ДЭА), моль/моль амина,
 $C_{\text{АВРП}}$ - концентрация в АВРП в композиционном абсорбенте, % масс, k – константа ($k=0,02$).

Уравнение справедливо до степени насыщения 1,0 моль/моль. В литературе подобный факт снижения растворимости H_2S и CO_2 только в МДЭА при добавке физического растворителя-сульфола (20,9% масс. МДЭА; 30,5% масс. сульфонала; вода). Так при 40°С растворимость CO_2 снижается в 1,21 раза, H_2S – в 1,15 раз. Необходимо отметить, что несмотря на уменьшение растворимости CO_2 и H_2S в ДЭА+МДЭА при добавке АВРП, «циклическая абсорбционная емкость композиционного абсорбента – ΔL (разность между количеством поглощенного при абсорбции H_2S , CO_2 и выделенного при нагревании, т.е. количество извлеченной из газа примеси за один цикл абсорбция-десорбция) практически одинаково для ДЭА, МДЭА и ДЭА+МДЭА+АВРП. Так, например, для CO_2 .

$P_{CO_2} = 100 \text{ кПа}$	ДЭА	МДЭА	ДЭА+МДЭА+АВРП
T= 25°С(абсорбция)	L=0,96	L=0,87	L=0,81
T=70°С(десорбция)	<u>L=0,32</u>	<u>L=0,29</u>	<u>L=0,21</u>
$\Delta L=0,64$	$\Delta L=0,58$	$\Delta L=0,60$	моль/моль
$P_{CO_2} = 10 \text{ кПа}$			
T= 25°С(абсорбция)	L=0,68	L=0,38	L=0,32
T=70°С(десорбция)	<u>L=0,39</u>	<u>L=0,10</u>	<u>L=0,06</u>
	$\Delta L=0,29$	$\Delta L=0,28$	$\Delta L=0,26$
			моль/моль

В то же время в абсорбент МДЭА+сульфонал, при парциальной давлении $H_2S, CO_2 > 100$ кПа, имеет большую равновесную емкость по этим примесям, что один МДЭА, т.е. циклическая емкость у него выше за счет дополнительной физической растворимости газов. В связи с этим можно ожидать, что в реальных условиях, когда парциальное давление H_2S, CO_2 в очищаемых газах высокое (для условия МГПЗ, например, $P_{H_2S} = 1500$ кПа, $P_{CO_2} = 900$ кПа), применение композиционного абсорбента ДЭА+МДЭА+АВРП позволит получить большую абсорбционную емкость абсорбента по сравнению с МДЭА и ДЭА и как следствие - сократить его циркуляцию и эксплуатационные расходы на очистку природного газа.

ВЛИЯНИЕ АКТИВИРУЮЩИХ ДОБАВОК НА РЕГЕНЕРАЦИОННЫЕ СВОЙСТВА КОМПОЗИЦИОННОГО АБСОРБЕНТА

*О.Ю.Арипджанов, Ш.Н.Исмадова, Ш.П.Нуруллаев, З.Алиханова
Ташкентский химико-технологический институт*

Важной характеристикой композиционного абсорбента, определяющей энергетические затраты на очистку и степень очистки природного газа от примесей, являются его регенерационные свойства, т.е. способность десорбировать поглощенные примеси при нагреве абсорбента. В связи с этим в данной работе изучена влияние активирующих добавок на свойства композиционных абсорбента – диэтанолламин (ДЭА), метилдиэтанолламин (МДЭА) и азотсодержащего водорастворимого полимера (АВРП) на примере десорбции H_2S , как наиболее трудно десорбируемой (по сравнению с CO_2) примесью.

Композиционный абсорбент – ДЭА+МДЭА+АВРП предварительно насыщали с H_2S по весу до содержания-0,1 моль/моль. Затем нагревали абсорбент до кипения с продувной азотом и отбирали пробы для определения остаточного содержания H_2S через 30 и 60 минут. Результаты экспериментов приведены в таблице № 1.

Таблица №1.

Результаты регенерации композиционных абсорбентов
приготовленных на основе ДЭА, МДЭА.

п/п	Состав абсорбента	Начальное содержание H_2S в абсорбенте, моль/моль 10^3	Содержание H_2S моль/моль в регенерированном абсорбенте.	
1	ДЭА+МДЭА+АВРП(20÷40%)%	99	7,7	5,4
2	10% ДЭА+МДЭА+ H_2SO_4	101	5,1	5,4
3	ДЭА+ АВРП	100	7,2	5,0
4	МДЭА+10% ДЭА	98	6,2	3,0
5	МДЭА+10%ТБАЭЭ	104	7,2	5,3
6	МДЭА+ ДЭА+10% H_3PO_4	103	3,9	2,9
7	МДЭА+ЭМС(10%)	97	4,8	4,4
8	МДЭА+ ДЭА(10%)	98	5,6	3,5

Полученные опытные данные показали, что все добавки ускоряют скорость десорбции H_2S из композиционного абсорбента. При этом наиболее эффективны H_3PO_4 и метиловые эфиры полигликолей (ЭМС). Поскольку исследованные активирующие добавки к ДЭА+МДЭА имеют более высокую основность (рН), чем МДЭА и ДЭА можно ожидать, что они, вступая в химическое взаимодействие с H_2S и CO_2 , которые являются слабыми кислотами, образуют с ними более прочные соединения. Поэтому на стадии регенерации насыщенного абсорбента потребуется подвести больше тепловой энергии для разрушения связи «амин: H_2S » («амин: CO_2 ») или иначе: при подводе одинакового количества энергии регенерироваться будут лучшие абсорбенты, у которых меньше основность.

Для проверки этого предположения были проведены исследования по регенерации композиционного абсорбента ДЭА+МДЭА+АВРП, активированного различными добавками, результаты которых представлены в таблице №2.

Таблица №2.

Остаточное содержание H_2S в активированном композиционном абсорбенте ДЭА+МДЭА+АВРП после регенерации в стандартных условиях

п/п	Состав абсорбента	Начальное содержание H_2S в абсорбенте моль/моль * 10^3	Содержание H_2S моль/моль в регенерированном абсорбенте.	
1	МДЭА (40%)	102	7,7	5,4
2	ДЭА(40%) (для сравнения)	108	21,0	10,0
3	МДЭА (40%)+ГМД(10%)	99	34,0	20,1
4	МДЭА (40%)+ДЭА(40%) (50×50)	101	18,3	7,7
5	МДЭА (40%)+пиперазин(10%)	110	22,1	10,2
6	МДЭА (40%)+ДЭА(30%)(70×30)	97	16,1	7,0
7	МДЭА (40%)+ДЭА(40%)+ММЭА(10%)	98	21,2	10,2
8	МДЭА (40%)+ДЭА(40%) бензола натрия (10%)	109	21,3	9,0
9	МДЭА (40%)+ДЭА(50×50)+ЭМС(10%)	103	9,2	5,8
10	МДЭА (20%)+ДЭА(20%)+АВРП (30%)+ЭМС (10%)	102	48,0	30,5

Примечание: где ГМД – гексаметилендиамин ($CH_2NH_2(CH_2)_4CH_2NH_2$); Пиперазин – (диэтилендиамин – $NHCH_2CH_2NHCH_2CH_2$); ММЭА – монометилэтанолламин ($CH_3HNCH_2CH_2OH$); Бензола натрия – (C_6H_5COONa).

Проведенные исследования позволяют создать перспективные композиционные абсорбенты для очистки природного газа от H_2S и CO_2 на основе ДЭА и МДЭА с регулируемой степенью извлечения CO_2 для замены ДЭА.

СИНТЕЗ И СВОЙСТВА ОЛИГОМЕРНОГО АНТИПИРЕНА

Нурмухамедов М.З., Джалилов А.Т.

Ташкентский химико-технологический институт

Разработка новых эффективных антипиренов для полимерных и древесных композиционных материалов имеет большое значение для нашего региона, где пластмассы при эксплуатации подвергаются воздействию высоких температур. Нами получены новые антипирены и их композиции с использованием местных сырьевых ресурсов .

Наиболее эффективными для огнезащиты древесных композиционных материалов являются азот- борсодержащие составы, действующие на разных стадиях горения и обеспечивающие глубокую защиту древесного комплекса [1,2].

Нами синтезированы новые азот- борсодержащие антипирены составов М-1 и Б-2 и при этом была изучены оптимальные режимы получения олигомеров, такие как температура, вязкость и соотношение исходных компонентов. Определили выход синтезированных олигомерных антипиренов при различных температурах. В результате уточнили, что до 303 К выход получился низким, а после 313 К выход увеличился и при 353 К выход антипиренов состава М-1 увеличился до 82% и Б-2 до 78%. После 353 К выход антипиренов остался постоянным (рис. 1).




Рис.1. Зависимость выхода антипиренов составов М-1 и Б-2 от температуры

На рисунке 2 показана зависимость выхода антипиренов составов М-1 и Б-2 при температуре 353 К от времени. В течение 1 часа выход антипиренов медленно поднимается, затем происходит резкое увеличение, а через три часа достигает максимального выхода.




Рис.2. Зависимость выхода антипиренов составов М-1 и Б-2 от времени

Разработанные антипирены отличаются доступностью сырьевых ресурсов и простотой технологии их производства. Учитывая сухой и жаркий климат нашего региона, предопределяющий возможность легкого возгорания, особенно пластмассовых изделий, потребность в антипиренах в производстве и применении пластмасс, лакокрасочных материалов, в текстильной и бумажной промышленности и резинотехнических изделий будет постоянно возрастать. Этому будет способствовать и ужесточение требований к степени горючести изделий и материалов, а так же огнестойкости строительных конструкций.

Список использованной литературы

1. Булгаков В.К. Моделирование горения полимерных материалов. –М.: Химия, 1990. -240с.
2. Романенков И.Г. Огнезащита строительных конструкций. -М.: Химия, 1991. -320с.

КЕРАМИКА МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

Нормаматов Ф.Х., асс. Боймуродова Ш.Н., С.М.Нормаматов.

Карши мухандислик-иқтисодиёт институти

Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, материаллар ҳамда ускуна ва жиҳозларни ишлаш муддатларини узайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига маҳаллий минерал хом-ашёларни ва замонавий самарадор технологияларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар куйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилган:

- 1) қуритиш таннархини камайтириш;
- 2) солиштира иссиқлик сарфини камайтириш ҳамда қуритгичнинг узок муддат хизмат қилишини таъминлаш;

Биз олиб борган тажрибада керамика шликери, қуритгичда пуркалувчи шликер томчиларининг ўртача қийматлари танлаб олинган. Томчилар

қанчалик катта бўлса шунча катта ҳажмли қурилма талаб этилиши, қурилма диаметри ўзгармас бўлганида унинг баландлиги катталашини аниқланди.

Томчилар ўлчамига боғлиқ ҳолда қуритишни пурковчи қуритгичда бошқариш мумкинлиги ҳақида тегишли натижалар олинган. Тажриба натижалари пурковчи қуритгичларни қўллашда жараёни бошқариш учун хизмат қилади. Қурилмани керамик махсулотлар ишлаб чиқаришда майдаланган хом-ашё аралашмасини қуритиш учун ишлатишда томчилар ўлчамларига мос равишда қуритишни ташкил этиш тавсиялари берилган. Қурилмалар ўлчамларига мос равишда томчилар ўлчамларини танлаш ва унинг орқали қуритиш жараёнини такомиллаштириш имкониятлари очиб берилган.

Замонавий ишлаб чиқариш корхоналарида шликерни тайёрлаш аввалдан майдаланган компонентлардан тайёрланади. Шликер кўпинча 50% намликга эга бўлиб, пурковчи қуритгичда 6-8 % намликгача қуритилади.

Пурковчи қуритгичларда томчилар назариясига оид маълумотлар ривожлантирилган. Бунда иссиқлик бериш коэффициенти, Архимед ва Рейнольдс критерийларининг шликер томчилари ўлчамларига боғлиқлиги кузатилади. Хосил қилинаётган томчилар ўлчамларига қараб қурилманинг баландлиги ўзгариши қайд этилган. Пуркалувчи томчилар ўртача ўлчамларини 50 дан 60 мк гача ўзгартирилганда ҳажмий иссиқлик бериш коэффициенти (α_x) 66,45 дан 43,97 Вт/м³*°С гача пасайди. Томчиларнинг ўлчамлари ошиб бориши билан Архимед критерийси (Ar) кўрсаткичлари 2,637 дан 4,557 гача катталашини кузатилди. Бу эса ўз навбатида Рейнольдс критерийсига ўз таъсирини кўрсатди ва у 0,147 дан 0,255 гача ўсишда давом этди. Заррачаларни учиш тезлиги (W_v) пуркалаётган томчиларнинг ўртача ўлчамлари катталашини билан 0,086 дан 0,124 м/сек гача ортиб борди.

Томчилар қанчалик катта бўлса шунча катта ҳажмли қурилма талаб этилиши, қурилма диаметри ўлгармас бўлганида унинг баландлиги катталашини аниқланган. Бунда заррачалар талаб этилган намликгача қуритилгунча кўпроқ масофани босиб ўтишига тўғри келади. Шу билан бирга қуритиш камерасининг баландлиги ортиши билан камеранинг ҳажми 87,16 дан 131,71 м³ гача катталашиб боради. Камеранинг 1м³ ҳажмдан буғланиб чиқиб кетаётган намлик миқдорининг 9,72 дан 6,43 кг/м³*соат гача пасайиши кузатилди. Бу ҳолатда ишчи камеранинг 1 м³ ҳажмига тўғри келадиган зўриқиш миқдори камаяди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қуритиш таннархини пасайтириш, солиштирма иссиқлик сарфини камайтириш ҳамда қуритгичнинг узок муддат хизмат қилишини таъминлаш мақсадида пуркалувчи шликернинг ўртача ўлчамларини ўзгартириш орқали қуритгич ишчи режимлари таҳлил қилинди. Қуритиш жараёнидаги шликерни пурковчи қуриткичларда қуритиш бўйича керакли тавсиялар ишлаб чиқилди.

АЗОТ ОКСИДЛАРИНИ АММИАКГАЧА ТИКЛАНИШ КИНЕТИКАСИНИ ГАЗОХРОМАТОГРАФИК УСУЛДА ЎРГАНИШ

М.Нишонов, Х.Дехқонов, М.Жўраева
Фаргона давлат университети, Фаргона

Атроф- мухитни муҳофаза қилиш бутун инсоният манфаатига дахлдор бўлган йирик муаммолардан бири ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш, уни ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалалари мамлакатимиз ривожланишининг биринчи даражали вазифаларидан бири сифатида қабул қилинган.

Нитрат кислота ишлаб чиқариши чиқинди газлари таркибида бошқа анорганик чиқиндилар билан биргаликда азот оксидлари ҳам бўлиб, улар ёндирилиб атмосферага азот газли ҳолида ташланмоқда.

Бу корхоналар чиқинди газларини юқори ҳароратли каталитик усулда тозалаш жихозлари билан таъминланган.

Юқори ҳароратли каталитик усулнинг камчилиги шундан иборатки, уни жихозлаш мураккаб, 993 К дан юқори ҳароратда ишлайдиган реакторни конструкциясини қийинлиги ва қимматбаҳо катализаторлар қўлланилишини талаб қилиши ҳисобланади.

Чиқинди газларни қуйи ҳароратда арзонроқ катализаторларда тозалаш, шу мақсадда қайтарувчи сарфини анча камайтиришга имкон берадиган каталитик жараёни ишлаб чиқиш тадқиқотчиларда назарий ва амалий жихатдан катта қизиқиш уйғотади.

Шу билан бирга мавжуд технологияларда азот оксидлари азотгача тикланиб, атмосферага чиқариб юборилаётган бўлса, ушбу тадқиқотда азот оксидларини аммиакгача тикланиш кинетикаси ва уни яна жараёнга қайтарилиши ўрганилди.

Қозоғистон ФА Анорганик катализ ва электрохимия илмий текшириш институти олимлари томонидан азот оксидларини аниқлашни хроматографик усули ишлаб чиқилган бўлиб, ундан паст фоиз палладий тутган катализаторларни тадқиқ қилишда фойдаланилди.

Биз қўллаган методнинг моҳияти қуйидагича тавсифланади:

Таркибида азот оксидлари мавжуд газли аралашма олдиндан катализатор қатлаидан кичик хажмий тезлик ($1000 \text{ м}^3/\text{с}$) билан юқори температурада (773°К) ўтказилади. Бундай ҳолатда азот оксидлари азотгача тикланади. Натижада хроматографнинг тақсимловчи колонкаларига газ келади. Таркибида азот оксидлари бўлмади ва хроматограф регистри юқори чўққига етиб, азотга мос келади. Миқдорий ўлчашлар даражаланган график ёрдамида аниқланади.

Таҳлил шароити:

газ ташувчи гелий сарфи– 30 мл/ мин;

термостат колонкаси температураси- 293°К

колонкалар узунлиги - 3 метр, диаметри 3мм:

молекуляр тўр адсоробенти СаА;

детектор токи- 130 ма

Чиқинди газ аралашмаси каталитик реакторгача ва ундан кейинги тикланиши, шунингдек, газ аралашмасини катализатор орқали ўтказилгандан сўнг хроматограммалар солиштирилади. Даражаланган график ёрдамида азот оксидларининг миқдорий таркибий аниқланади. Углерод (2) оксиди, бутан, водород, метан ва кислородларни аниқлашда ЛХМ- 8М маркали хроматографдан фойдаланилди.

3 метр узунликдаги ва 3 мм диаметрли хроматографик колонкали молекуляр тўрлар билан тўлдирилди. Молекуляр тўрлар олдиндан инертли газда 573⁰К температурада 3 соат давомида қиздирилди. Таҳлил қилиш шароити:

гелий сарфи- 60 мл/ мин;

молекуляр тўр - СҚА;

термостат колонкаси температураси – 413⁰К;

иссиқлик ташувчи детектор токи – 130 мА;

водород ва кислород анализ қилиш шароити:

гелий сарфи- 60 мл/мин;

термостат колонкасидаги температура- 80⁰С;

молекуляр тўр – СаА;

иссиқлик ташувчи детектордаги ток- 100 ма

Реакторга чиқинди газлар ва қайтарувчилар қуйидаги концентрацияда катализатор фаоллигини аниқлаш мақсадида юборилди: азот оксиди концентрацияси (0,02 + 1,5% ҳажмий), пропан- бутан (0,02 + 1,5% ҳажмий), водород (0,92 + 5% ҳажмий) , кислород (0,23+ 3% ҳажмий) ва водород (0,25 +3% ҳажмий).

Тадқиқот натижалари асосида чиқинди газлардаги азот оксидларини аммиакгача тикланиш жараёнининг кинетикаси ўрганилиб , реакция тартиби аниқланди ва ундан тажриба-синов қурилмасининг лойиҳасини яратишда фойдаланилди.

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁЛАРДАН ТАБЛЕТКАЛАНГАН ЎҒИТ ОЛИШ

Р.Низомжонов, Т.Саттаров
Наманган давлат университети

Қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш экин майдонларидан самарали ва оқилона фойдаланиш имконини яратади. Мамлакатимиз кимё ва ўғитлар ишлаб чиқариш саноати бўйича дунёда сезиларли салоҳиятга эга. Ўғитлар ассортименти ҳам ранг-баранг. Ана шу махсулотларни ишлаб чиқаришни соддалаштириш таннархининг камайишига олиб келиши сир эмас. Маҳаллий хом ашё бўлган Марказий Қизилқум оддий фосфорит уни ва аммиакли селитра асосида ноанъанавий яъни механокимёвий усулда таблеткаланган мураккаб азот-фосфорли ўғит олишни долзарб деб ҳисобладик.

Бунинг учун биз анча оддий бўлган пресслаш усулини танладик. Бу усулнинг афзаллиги электр энергия сарфининг камлиги, жихозлар ўлчамининг кичиклиги, хохлаган пайтда жараёни тўхтатиш ёки бошлаш имкониятига эгаллиги, ишлатиш соддалиги, зарур ўлчамдаги гранулаларни олиш имконияти борлигидир. Бу жараён атроф мухитни ифлослантормайди ва бошқа усулларда донаторлаш имконияти бўлмаган махсулотларни донаторлаш мумкин.

Пресслашни ГАРО русумли манометрли гидравлик прессда олиб бордик. 10 мм ли пуансонли прессматриса ишлатдик. Пресс ускунанинг ишқаланиш кучини камайтириш мақсадида прессматрицани мой билан мойладик. Фосфорит ва аммиакли селитра аралашмасидан таблетка кўринишидаги шакл олишда босм 50 дан 300 МПа гача интервалда бўлди. Таркиби аниқ бўлган фосфат хом ашёсини зарралари 0,2 мм ўлчамгача майдаладик. Аммиакли селитра ҳам тахминий ўлчамгача майдаланди. Қишлоқ хўжалигида экинларга солинадиган ўғитлар миқдорини тахлил қилиб, энг кўп ишлатиладиган нисбат $N:P_2O_5 = 1:0,7$ эканлигини аниқладик. Дастлабки моддалардан айнан ана шу нисбатда аралаштирди. Аралашмани махсус ясалган таблеткалаш қурилмаси камерасига солдик ва пресс аппарати ёрдамида керакли босим бердик. Маълум вақтгача ушлаб турдик.

Прессланган таблеткаларнинг барча намуналари бир соат мобайнида 90-100°C хароратда қуритилди. Уларнинг мустахкамлигини эзиш усулида ўлчадик. Олинган намуналарнинг кимёвий таркиби анализ қилинди.

Таблеткаланган ўғитнинг механик мустахкамлиги ва кимёвий таркиби

Пресслаш босими, МПа	Таблетка мастахкамлиги, МПа	N, %	$P_2O_{5\text{умум.}}$, %	$P_2O_{5\text{ўзлаш.}}$, %	$\frac{P_2O_{5\text{ўзлаш.}}}{P_2O_{5\text{умум}}}$, %
50	1,6	14,92	10,41	3,05	29,28
100	2,42	15,1	10,45	5,07	48,51
150	3,34	15,00	10,49	6,1	58,15
200	3,56	14,98	10,33	6,02	58,27
250	3,88	14,98	10,49	6,21	59,2
300	4,53	15,12	10,53	6,38	60,59

Натижаларни тахлил қиладиган бўлсак, босим ортиб бориши билан олинган таблеткаларнинг мустахкамлиги ҳам ортиб бомоқда. Махсулот таркибидаги ўсимликка ўзлашувчан фосфорнинг умумий фосфорга нисбати эса босим 150 МПа гача ортиб бориб, ундан юқори босимларда деярли ошмаётганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса фосфорит ва аммиакли селитра аралашмасидан таблеткаланган ўғит олиш жараёнида босимни 150 МПа дан ошириш кимёвий жихатдан самарасиз бўлиб, нисбатан паст босимда олиб бориш эса энергетик жихатдан мақбул ҳисобланади. Ана шу босимда олинган таблеткаларнинг мустахкамлиги



хам узоқ вақт сақлашга ва транспортда ташишга етарли бўлади. Бу эса механохимёвий усулда Марказий Қизилқум оддий фосфорит уни ва аммиакли селитра асосида активланган мураккаб азот-фосфорли ўғит олиш имкони борлигидан далолат беради.

НООРГАНИК ВА АНАЛИТИК КИМЁ ФАНЛАРИНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

***Н.Н. Маматалиев, Б.Нўмонов, Ж.Худойбердиев,
*ФарПИ, ҚўқонДПИ**

Моддаларнинг кимёвий хоссалари билан ноорганик кимё курсида танишиб борар эканмиз, ҳар бир элементга алоҳида урғу бериб, унинг тарқалиши, олиниши, физик-кимёвий хоссалари, ишлатилиши ҳақида маълумотларга эга бўламиз. Аммо ҳар бир элементни таҳлил қилар эканмиз, унинг бошқа барча элементлар билан солиштирма ўхшашлик ва фарқларига кўп эътибор бермаймиз. Албатта кўп ҳолларда даврий жадвалнинг бир гуруҳида жойлашган элементларнинг хоссалари бири-бирига ўхшаш деб тушунтирилади, аммо диагонал ва вертикал ўхшашликларнинг мавжудлиги гуруҳ ичидаги элементларнинг айна гуруҳда хусусий хоссалари мавжудлигини кўрсатади. Аналитик кимё курсида эса элемент, ионларни кимёвий хоссалари ва уларни кимёвий, физик, физик-кимёвий, биологик усуллар ёрдамида сифат ва миқдорий анализ қилишни ўрганамиз. Кимёвий анализ усуллари негизида моддаларнинг кимёвий хоссалари асосида бажариладиган анализ усуллари ётади. Кимёвий реакцияларни ноорганик кимё курсида ўзлаштириш давомида реакция сўнгида ҳосил бўладиган моддаларнинг ранглари, чўкмалари, агрегат ҳолатларига эътибор қаратиш зарур.

Таълим соҳасига қаратилаётган эътиборнинг кучайиши натижасида таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларининг қўлланиш соҳаси кенгаймоқда. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари воситасида талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим ва малакалар осонроқ ўзлаштирилишига уларнинг ахборот технологияларга бўлган қизиқиши, индивидуал таълим олиш ва баҳолаш, олинган билимларини дарсдан ташқари педагог воситасисиз мустақамлаш каби имкониятлар замин яратади. Ҳозирги кунда биз томондан айнан шу имкониятларни бирлаштирувчи ўргатувчи дастур яратилмоқда. Ушбу дастурнинг қулайлиги шундаки, талаба айна элементнинг кимёвий, физик хоссалари, олиниши ва ўзига ҳос сифат реакцияларини ўзлаштириши, олган билимларини синаб кўриши, уларга оид лаборатория тажрибаларини кузатиши, хаттоки ўзи бажариб кўриши мумкин. Шунингдек лаборатория топшириқларини бажариш учун олдиндан дастур ёрдамида бажариб, сўнг амалда лабораторияда бажариши мумкин.



Инсон олиши мумкин бўлган маълумотнинг 70% ини кўриш ва эшитиш қобилияти орқали қабул қилишини эътиборга олсак, бундай электрон дарслар ва мултимедиялар ёрдамида таълим олувчи онгига сингдирилиши лозим бўлган маълумот ва тушунчаларни анъанавий дарслардагига кўра юқорироқ самара беришини тажриба натижалари тасдиқлаган.

АНАЛИТИК КИМЁФАНИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА ФАЗИФАЛАРИ

*Н.М.Казимова, Р.А.Пайгамов, А.Абдужалилова
КўқонДПИ*

Аналитик кимё кимёвий ва у билан боғлиқ фанлар, техника, геология, геохимё, биология, медицина, агрохимё, тупрок иқлими ва бошқаларнинг ривожланиши учун зарур булган усул ва асбобларни яратади. Яратилажак усуллар ва асбобларнинг аниқлиги, сезилувчанлиги, имкониятлари олдингиларидан яхшироқ бўлиши керак. Замонавий фан ва ишлаб чиқариш узлуксиз анализнинг зарурлиги билан боғлиқ.

Кимёвий анализ усулларнинг ривожланиши учун аорганик, органик, физикавий, коллоид ва кристаллохимё сингари кимёвий фанлар ютуқлари, физикавий усулларнинг равнақи учун физика, электроника, спектроскопия, ярим ўтказгичлар физикаси ва бошқа соҳаларнинг ютуқларидан фойдаланилади.

Кимёгарлар синтез қилаётган ҳар бир янги модданинг таркиби, тузилиши ва ҳоссаларини ўрганиш учун уни анализ қилишга тўғри келади. Анализ натижалари асосидагина тегишли тўғри хулосалар қилиниши мумкин.

Аналитик кимёнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: маълум анализ усулларининг назарий асослари ва амалиётнинг такомиллашиши ҳамда равнақини таъминлаш; фан ва саноатнинг ўсиб бораётган талабларига жавоб берадиган янги анализ усулларини яратиш, уларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, автоматлаштириш ва компьютерлаштирилган аналитик методикалар ва системаларни яратиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш; айрим объектлар таркибидаги моддаларнинг таркибий қисмларини (элементлар, ионлар, функционал гуруҳлар) интенсив аниқлаш усулларини ишлаб

чиқиш; мураккаб аралашмалар таркибидаги моддаларни ажратишнинг мукамал усулларини яратиш, илмий тадқиқот ишларининг кимёвий аналитик назорат қилинишини таъминлаш; моддалар таркибидаги асосий (бош) таркибий қисмлар (100-1 %) ни ва бегона моддаларнинг асарини (10^{-8} - 10^{-12} %) топишга имкон берадиган усуллар яратиш; атроф-муҳит мониторингини, олинадиган ҳар бир натижанинг тўғри, аниқ ва қайта такрорланувчан бўлишини таъминлаш; моддаларнинг анализ қилишнинг тез, арзон ва аниқ усулларини яратиш; моддаларнинг тузилишини, турли объектларда тарқалишини аниқлашга имкон берадиган усул, восита ва методикалар ишлаб чиқиш.

Шундай қилиб, бугунги аналитик кимё моддалар кимёвий таркибини анализ қилишнинг назарий асосларини, кимёвий элементлар ва улар бирикмаларини топиш (идентификация қилиш) ва аниқлаш усулларини ривожлантирадиган, шунингдек, турли аноорганик ва органик бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ва ҳар хил объектлардаги локал тақсимланганлигини (таркибий қисмларнинг тақсимланишини) ўрганувчи усуллар ҳақидаги фандир, деб таърифланиши мумкин.

Масалан, калций- Ca^{2+} катиони инсон организмида умумий массаси 2% ни ташкил этади. Одамнинг калцийга 24 соат ичида бўлган талаби бир грамм атрофида бўлади. Организмда сақланадиган калцийнинг умумий миқдоридан (1400 г70 кг одам тана вазнига) 98-99 % суяк ва тиш тўқималари таркибида бўлади. Қон таркибидаги калций миқдорининг нормал қийматидан (9-11 мг %) камайиши нерв системасининг кўзгалувчанлигини ортиб кетишига олиб келади. Қон таркибида Ca^{2+} протромбинни актив тромбинга ўтказиш орқали қон ивиш жараёнини таъминлаб беради. Бундан ташқари у мушаклар қисқариши ва бўшаши жараёнларида ҳам иштирок этади.

Инсон организмида тишдан калций ичакларнинг шиллик қаватида сақланадиган махсус оксил моддаси билан боғланади, шу йўсинда тутиб қолинади. Ўз навбатида бу оксилнинг синтезланишида Д витаминга боғлиқ бўлиб, витаминнинг организмдаги миқдорини камайиши бу оксилнинг синтезланиши ва демак, Ca^{2+} тутиб қолишини камайтиради. Натижада суюқлар эластиклиги ортиб кетади ва рахит касаллиги келиб чиқади. Демак, аналитик кимё фани тирик организм ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ўрин эгаллайди.

ТЮБЕГАТАН СИЛЬВИНИТИНИНГ БОЙИТИЛГАН ЭРИТМАЛАРИНИНГ ОҚУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Н.Муродуллаев, Ш.Тавашов, О.Х.Панжиев
Карши мухандислик-иқтисодиёт институти*

Технологик жараённинг турли пағоналарида шу жумладан сильвинит эритмасининг тайёрланиши, амманизацияси ва тайёр махсулот - калий хлорид қуритилишигача суспензиялар ҳосил бўлади. Ушбу суспензияларнинг оқувчанлик реологик хусусиятларини ўрганиш катта

ахамиятга эга, чунки уларни насослар билан кейинги пафонага ўзатилиши мумкинлиги аниқланади, бунинг билан эса технологик жараённинг технологиклиги ва самарадорлиги бахоланади. Тадқиқотлар ўтказиш учун Тюбегатан кони сильвинитидан сильвинит намуналари олинди. Тюбегатан кони сильвинитидан канцентрациялари 15, 25, 35, 45, 55 ва 60% бўлган сувли эритмалар тайёрланди. Ушбу канцентрациялар ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланди. Тюбегатан конининг сильвинитини сувли эритмаларнинг зичлиги ареометр ёрдамида ўлчанди. Тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, сильвинитнинг сувли эритмаларининг температураси ошиши билан зичликлар қиймати камайиб боради. Сильвинитнинг сувли эритмасининг канцентрацияси 15 % дан 60 % гача ошиши билан 20°C температурада зичлик қиймати умуман 1010 дан 1300 кг/м^3 гача ошиб боради, яъни 290 кг/м^3 гача ошади. Сильвинит сувли эритмасининг канцентрациясини ҳар бир узиши билан зичлик 23-27 кг/м^3 га ошиб борди. 80°C температурада олинган экспериментал маълумотлар юқоридагидан фарқ қилади. Сильвинит сувли эритмасининг зичлигини умумий ўзиш қиймати 244 кг/м^3 ни ташкил этади. Эритма канцентрациясининг ҳар бир ўзиши билан зичлик қиймати 11-25 кг/м^3 га ошиб боради. Олинган маълумотларининг таҳлили яна шуни кўрсатадики, температура 20 дан 80°C гача ошиши билан зичлик қийматлари камайиб боради. Ушбу натижаларга кўра сильвинит сувли эритмаларининг 3 та гуруҳини ажратиш мумкин. Ушбу гуруҳларда зичлик қийматларининг камайишини турли интенсивлиги кузатилади.

Сильвинит сувли эритмаларининг канцентрациялари 15-25 % бўлган ҳолда (1 гуруҳ) эритма зичликларининг қийматлари 15-25 % гача камайиб боради $29-35\text{ кг/м}^3$ интервалда. 2-гуруҳда канцентрациялар 35-45 % бўлган ҳолда зичлик қийматларининг камайиши $41-54\text{ кг/м}^3$ ни ташкил этади. 3 гуруҳда канцентрациялар 45-60 % бўлган ҳолда зичлик қийматларининг камайиши $60-75\text{ кг/м}^3$ ни ташкил этади. Сильвинит сувли эритмасининг канцентрацияси 5-25 % бўлган ҳолда ва температура $20-40^{\circ}\text{C}$ гача ошиши билан зичлик қийматлари 3-9 кг/м^3 гача камаяди. Температура $40-60^{\circ}\text{C}$ гача ошиши билан зичлик қийматлари 2-11 кг/м^3 гача камаяди, 60 дан 80°C гача ошиши билан зичлик қийматлари 9-21 кг/м^3 гача камаяди. Сильвинит эритмасининг канцентрацияси 30-40 % бўлган ҳолда ва температура 20 дан 40°C гача ошган ҳолда зичлик қийматлари $12-16\text{ кг/м}^3$ гача камаяди, температура $40-60^{\circ}\text{C}$ ошган ҳолда зичлик қийматлари 7-11 кг/м^3 гача камаяди, температура 60 дан 80°C гача ошган ҳолда зичлик қийматлари 21-27 кг/м^3 гача камаяди. Сильвинит сувли эритмасининг канцентрацияси 45-60 % бўлган ҳолда ва температура $20-40^{\circ}\text{C}$ гача ошган ҳолда зичлик қийматлари 18-21 кг/м^3 гача камаяди. Температура $40-60^{\circ}\text{C}$ гача ошиши билан зичлик қийматлари 14-18 кг/м^3 гача камаяди, температура 60 дан 80°C гача ошишган ҳолда зичлик қийматлари 27-38 кг/м^3 гача камаяди.

Сильвинит сувли эритмаларининг кинематик қовушқоқлиги Бэкон ва Фенелли приборлари ёрдамида аниқланди. Ўлчовлар кварсли

термостатланган идишда ўтказилди. Термостатлаш аниқлиги 1°C ни таъмин қилди. Шундай қилиб Тубегатан кони сильвинит сувли эритмаларининг реологик хусусиятларини тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатадики, ушбу эритмалар насослар билан жараёнларнинг бошқа пағоналарига ҳеч қандай муоммосиз узатилиши мумкин.

ДОЗАТОР ДЛЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ОБРАЗЦОВ ПАРОГАЗОВЫХ СМЕСЕЙ

*Мурадова З.Б., Абдурахманов И.Э., Абдурахманов Э.
Самаркандский госуниверситет г. Самарканд*

Наиболее надежным и правильным методом приготовления образцов парогазовых смесей спирта в воздухе является динамический способ, основанный на установлении динамического равновесия между сорбирующей поверхностью и дозируемым веществом. Дозаторы, основанные на испарении жидкости при соблюдении ряда условий, имеют ряд достоинств: просты, воспроизводимы и надежны в работе. В работе для приготовления парогазовых смесей этанола в воздухе был использован дозатор, где содержание определяемого компонента в смеси зависит от скорости движения поршня шприца, температуры и скорости потока газа – разбавителя. В предложенном динамическом дозаторе использован градуированный шприц объемом 2,0 мл. Нижняя часть шприца выполнена в виде трехходового крана, один отвод которого соединен с испарительной камерой, другой – с склянкой, заполненной исходной жидкостью. Через блок очистки и обогреватель в испарительную камеру подается газоноситель – воздух. Движение поршня шприца обеспечивается электродвигателем, а его скорость регулируется с помощью редуктора. Испытуемый воздух в системы подается компрессором. Скорость потока воздуха измеряется ротаметром. Парогазовая смесь через трубку поступает к потребителю. Количество жидкости (V_0), вытесняемой поршнем определяется выражением:

$$V_0 = \pi R^2 S \quad (1.)$$

где R – радиус цилиндра; S – путь, совершаемый поршнем в цилиндре. Зная требуемую дозируемую концентрацию паров жидкости в смеси, можно довольно легко рассчитать объемную скорость истечения жидкости, которую в экспериментах контролировали по шкале шприца.

Контроль за содержанием определяемого компонента в смесях осуществляли газохроматографическим методом. В качестве дозируемой жидкости в опытах применяли этиловый спирт и бензин марки АИ-93. Температуру термостата дозатора варьировали в пределах $40-100^{\circ}\text{C}$. Расчет концентрации компонента, выраженной в $\text{мг}/\text{м}^3$ (C_0) и об.% (C_1), проводили по формулам:

$$C_0 = V_0/\rho_t \cdot V \quad (2.) \quad \text{и} \quad C_1 = 22.4 \cdot V_0 \cdot 100 / (22.4 \cdot V_0 + V \cdot M) \quad (3.),$$

где ρ_t – плотность дозируемой жидкости, $\text{г}/\text{см}^3$; V – скорость потока газоносителя, $\text{м}^3/\text{ч}$; M – молекулярная масса жидкости. Значение

молекулярной массы для сложных углеводов определяли элементным анализом. Данные о зависимости концентрации паров спирта от скорости потока газоносителя приведены в таблице.

Таблица.

Зависимость содержания паров спирта в смеси от скорости потока - газоносителя ($n = 5$, $P = 0.95$)

Скорость потока газоносителя, л/ч	Содержание компонента в смеси, мг/м ³		
	Расчетное	Найдено ($\bar{x} \pm \Delta x$)	Sr·10 ²
50	180	181,8±0,5	1,1
100	90	90,3±0,6	0,9
200	45	45,2±0,4	1,3

Как видно из таблицы, расчетные и экспериментальные данные сходятся между собой с достаточной точностью. С применением разработанного дозатора были приготовлены смеси спирта с воздухом в диапазоне концентраций этанола, 50-3000 мг/м³ и 0,01-3,00 об.%.

Диапазон дозируемых концентраций можно значительно расширить изменением скорости движения поршня шприца и расхода газоносителя.

Получаемые концентрации удовлетворяют требованиям, предъявляемым к газоанализаторам, предназначенным для определения этилового спирта; в производственных помещениях согласно условиям техники безопасности. Разработанный дозатор удобен и прост в эксплуатации.

КАСБ- ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ПЕДОГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР, УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ВА ХОССАЛАРИНИ ЎРГАТИШ.

Умиров А.Т., талаба Ҳайдарова О.

Термиз давлат университети

Республикада кейинги йилларда ривожланаётган ишлаб чиқариш жараёнида металл материаллар билан бир қаторда, металл материаллардан фойдаланиш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Металл материалларнинг асосий таркибий қисмлари юқори молекуляр боғланиш (полимер)лардан иборат бўлиб, катта молекуляр массага эга бўлган мураккаб моддалардир. [1]


Касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанлари ҳисобланган “Материалшунослик” фанида ўқувчиларга металл материаллар сирасига кирувчи полимер материаллар, уларнинг турлари, тузилиши, ишлатилиш соҳалари, физикавий ва кимёвий хоссаларини ўргатиш муҳим ҳисобланади.

Полимерлар одатда бир неча мингдан, то бир неча миллионгача атомдан иборат бирикмалардир.

“Материалшунослик” фанида ўқувчиларга полимер материаллар, уларнинг классификацияси ва хоссаларини ўргатишда ўқитувчи янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этса, ўқувчиларнинг ўрганишлари осонроқ бўлади. Масалан, кластер (тармоқлаш) методи.

Бу педагогик технология орқали ўқувчилар полимерлар, уларнинг турлари ва ҳоссалари ҳақида кенгроқ билим ва кўникмага эга бўлишлари мумкин.

Кластер методи:



Полимер материаллар 3 турга бўлинади булар:

Табиий полимерлар – улар табиатда кенг тарқалган бирикмалардир. Масалан, табиий каучуклар, жун, оксиллар, табиий смолалар ва ҳақозалар, ҳайвонлар, ўсимликлар, дарахтлар таркибидан ажратиб олинади.

Сунний полимерлар – улар табиий полимерларни қайта ишлаш орқали олинади. Бунга мисол қилиб пластмасса материални айтишимиз мумкин.

XXI аср бўсағасида қишлоқ ва халқ хўжалигининг биофаол бирикмаларга бўлган эҳтиё-жини қондириш ва янги бирикмаларни излаш, уларни чиқиндисиз олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш органик кимё ва органик синтез фанининг олдида турган долзарб вазифалардан хисобланади. Шу нуқтаи назардан, карбамат ва бискар-баматларнинг N-R хосилалари турли хил биологик ва фариакологик фаолликка эга бўлган бирикмалар сифатида шубҳасиз қизиқиш уйғотади. Бундай бирикмалардан техника ва автомобиль сохаларида, резиналарни вулканлашда, тезлатувчи моддалар сифатида, сурков мойларини олишда, шунингдек, улардан қишлоқ хўжалигида гербицидлар, пестицидлар, фунгицидлар, инсектицидлар, нематоцидлар, бактерицидлар, ўсишни тезлаштирувчилар сифатида ҳам фойдаланишмоқда. Шу сабабдан, толуцендиизоцианат ва ароматик бирламчи спиртининг вакили бензил спирти билан реакцияси асосида янги биофаол бирикмаларни синтез қилиш, уларни синтезини зарарсиз ва чиқиндисиз технологиясини яратиш ҳамда олинган моддалар орасидан биостимулятор ва гербицидларни излаш ва амалиётга тавсия қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ароматик спиртли бис-карбаматлар ва уларнинг хосилалари кимёвий хоссаларини ўрганиш, ҳамда N-N реакцияси марказида N-алкиллаш жараёнини асосида янги авлод хосилаларини олишни мақсад қилиб олдик. Толуцендиизоцианатнинг ҳамда бензил спиртининг жараёнини олиб боришда реагентларнинг 1:2 нисбатларда ва хона

мухитида 2,5-3,0 соат давомида олиб борилиши $-N,N'$ - толуилен бис[(бензилоило)-карбамат]нинг хосил бўлишига олиб келади.




Синтез қилинган бис-карбаматни баъзи физик-кимёвий тавсифлари 1— жадвалда келтирилади. Бис-карбаматнинг баъзи физик-кимёвий тавсифлари

1 – жадвал


Бирикма	Унуми, %	Суюлиш ҳарорати, °C	R/f	Брутто формуласи	Элемент анализи, %						ИК-спектр, см ⁻¹		
					Хисобланган			Топилган			$\begin{array}{c} \text{—N—C—O} \\ \\ \text{H} \\ \text{O} \end{array}$	>C=O—N—H	$\begin{array}{c} \text{—N—C—O} \\ \\ \text{H} \\ \text{O} \end{array}$
					C	H	N	C	H	N			
I	93,6	208-209	0,69	C ₂₃ H ₂₂ N ₂ O ₄	70,76	5,64	7,17	70,53	5,31	6,94	1297	1721	3340

Бирикманинг тузулишини элемент анализи ва ИК - спектри ёрдамида тасдиқланади . Синтез қилинган N,N' толуилен бис [(бензилоило)-карбамат] нинг ИК - спектрида $-NHCOO$ гурухининг валент тебранишни 1297 см^{-1} сохада 2962 , 2854 см^{-1} ва бошка сохаларда эса малекуладаги метил, метилен гурухи боғларининг симметрик, ассиметрик тебранишлари кузатилади . Бис-карбаматнинг хосилаларини синтез қилиш учун молекуланинг N-H реаксион марказини алкиллаш ва галогенлаш жараёнлари олиб борилади .

Жахон адабиётларида келтирилган маълумотларга караганда N-H гурухни алкиллаш реакцияларига катта эътибор берилмоқда , бунга сабаб - N-R ни бирикмалари самарали биологик фаоллигини намойиш қилган. Шунинг учун бис-карбаматнинг N-H гурухи буйича олдин натрий билан абсолют қуруқ мухитда йўналтирилган N,N' - бис металлшга учратилади, N,N' —диметаллаш реакцияси қуйидагича чизма бўйича боради :




Ҳосил булган II препаратини N,N' -диалкиллаш учун II—динатрий бис-карбамат хосилаларига изопропил йодид ёрдамида реакция олиб борилади, реакция чизмаси қуйидагича боради.



N,N' -диизопротиллаш реакциялари мутлақо N,N' -азот атомлари буйича беришини, бу атомни ёнида карбонил гурухи борлиги учун натрий нисбатан осон диссоцияланиши билан тушунтирилади. N,N' -диизопротил ҳосиласи бис-карбаматларни физик-кимёвий хоссалари 2-жадвалда келтирилади.


2- Жадвал

N,N' -толуиен бис [(бензилоило)-карбамат]ни N,N' -диизопротилли хосилаларини физик—кимёвий тавсифлари




R	R'	Чиқиш унуми, %	Суюлиш, ҳарорати, °C	Брутто формуласи	R f	Элемент анализи, %					
						Ҳисобланган			Топилган		
						C	H	N	C	H	N
$C_6H_5CH_2-$	$(CH_3)_2CH-$	92,3	203-204	$C_{29}H_{34}N_2O_4$	0,67	73,41	7,17	5,90	73,19	6,98	5,66

ҳосил бўлган N,N' -диизопротил – N,N' -толуиен бис - [(бензилоило)—карбамат]ни тузулиши элемент анализи ва ИК-спектри орқали исботланган.



ИК-спектрида қуйидаги ютилиш чизиқлари кузатилади .

гурухи 1294 см^{-1}  гурухи учун - 1722 см^{-1} ; $-CH_2-$ гурухи учун 2992 см^{-1} :

ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ АНАЛИЗА ФЛАВОНОИДОВ ЛЕКАРСТВЕННЫХ И ПИЩЕВЫХ РАСТЕНИЙ

Э.Х.Ботиров*, Ш.В.Абдуллаев, О.Абдилалимов, Д.Ш.Шеркузиев, О.К.Нуриддинов

*Сургутский государственный университет, e-mail: botirov-nepi@mail.ru;

²Наманганский инженерно-технологический институт, e-mail: niei_info@edu.uz.

В работе [1] изучено, что флавоноидного состава лекарственных и пищевых растений *Sophora Griffithii* Stocks – софоры Гриффита, *Goebelia rachusarpa* Schrenk.-гебелии толстоплодной (оба сем. Fabaceae) *Allium sera* L. – лука репчатого(сем.Liliaceae), *Rhaphanus sativus* L. var.radicula Pers - редиса (сем.Brassicaceae) [1]. Из софоры Гриффита впервые

выделены флавоноиды инермин и трифолиризин, из гебелии толстоплодной – вексибинол, из лука репчатого - астрагалин и из **редиса** – леспедин.

В настоящей работе выделенные флавоноиды - 3,4 идентифицированы на основании химических превращений, изучения ИК-, УФ-, ПМР-, КД- и масс-спектров. Ранее нами были приведены сведения о биологической активности выделенных флавоноидов - 1,2.

Флавоноид 3, состава $C_{25}H_{28}O_6$, т.пл.170-172⁰, $[\alpha]_D -36,5^0$ (метанол). УФ-спектр соединения 3 (λ_{max} 293,340 нм; $lg \epsilon$ 4,23) характерен для флаванонов [3,4]. Это подтверждается данными ПМР-спектра, где проявляются сигналы протонов Н-2 (5,52 м.д., дд, 13,0 и 3,0 Гц), Н-3а (2,56 м.д., кв, 17,4 и 3,0 Гц), Н-3е (3,12 м.д., кв, 17,4 и 13,0 Гц), а также сигналы протонов лавандулильной группы, ароматических протонов 5,7,8,2',4' пентазамещенного флаванонового ядра и хелатной гидроксильной группы в положении С-5 [2]. Масс-спектр вещества 3 содержит пики ионов с m/z 424 (M^+), 406, 391, 301, 284, 283 (100%), 219, 165, 136, 124. Пики ионов с m/z 165 и 136 образуются в результате ретродиенового распада флаванонового ядра [1,3]. Ацетилированием рассматриваемого соединения было получено тетраацетильное производное 3а.

Флавоноид 4, состава $C_{21}H_{20}O_{11}$ с т.пл. 209-211⁰, λ_{max} 267,5; 297 и 351 нм. ИК-спектр: 3440-3290 (ОН группы), 1679 (С=О γ -пирона), 1618, 1521 (ароматические С=С связи), 1100-1000 (С-О связи гликозидов). Изучением УФ-спектров, снятых с добавлением ионизирующих и комплексообразующих реагентов, установлено наличие свободных фенольных гидроксильных групп в положениях 5,7 и 4' флавонового ядра [3,4].

В спектре ПМР флавоноида 4 проявляются сигналы ароматических протонов 3,5,7,4' –тетразамещенного флавонового ядра: Н-6 (6,50 м.д., д, 2,0 Гц), Н-8 (6,55 м.д., д, 2,0 Гц), Н-2', 6' (8,32 м.д., д, 9,0 Гц) и Н-3',5' (7,21 м.д., д, 9,0 Гц), а также аномерного протона Н-1'' (5,44 м.д., д, 7,0 Гц) и других протонов углеводного остатка (3,66-4,46 м.д., м). В результате кислотного гидролиза рассматриваемого вещества получили кемпферол (3,5,7,4' –тетрагидроксифлаван) состава $C_{15}H_{10}O_6$, M^+286 , т.пл.269-272⁰, и D-глюкозу. Сопоставление данных УФ-спектров гликозида 4 и кемпферола показывает, что углеводная часть присоединена к гидроксильной группе в положении 3 агликона [4]. На основании изложенных данных и результатов сравнения с литературными сведениями флавоноид 4 **идентифицировали как** кемпферол-3-О- β -D-глюкопиранозид.

Таким образом, проведенные исследования показывают, что корни гебелии толстоплодной могут служить сырьем для получения противоязвенного соединения вексибинола, а надземная часть **редиса** – гипоазо- темического средства леспедина.

Список литературы

1. Батиров Э.Х., Юсупова С.С., Абдуллаев Ш.В. Вдовин А.Д., Маликов В.М., Ягудаев М.Р. Строение двух новых флаванонов из *Vexidia alopescuroides* // Химия природных соединений. 1985. №1. С.35-41.
2. Son Bredenberg J.B., Nietala P.K. Confirmation of the structure of trifolirhizin // Acta Chem. Scand., 1961. V.15. P.936-937.
3. Markham K.R. Techniques of Flavonoid Identification. London: Academic Press, 1982. 113 p.
4. Mabry T.J., Markham K.R., Thomas M.B. The Systematic Identification of Flavonoids, Nyw-York: Springer-Verlag. 1970. 354 p.

ХИМИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ФЛАВНОИДОВ ЛЕКАРСТВЕННЫХ И ПИЩЕВЫХ РАСТЕНИЙ

Э.Х.Ботиров*, Ш.В.Абдуллаев, О.Абдилалимов, О.К.Эргашев, Д.Ш.Шеркузиев

*Сургутский государственный университет, e-mail: botirov-nepi@mail.ru;

Наманганский инженерно-технологический институт, e-mail: niei_info@edu.uz.

В работе [1] было посвящена фитохимическому изучению флавоноидного состава лекарственных и пищевых растений *Sophora Griffithii* Stocks – софоры Гриффита, *Goebelia pachycarpa* Schrenk.-гебелии толстоплодной (оба сем. Fabaceae) *Allium cepa* L. – лука репчатого (сем. Liliaceae), *Rhaphanus sativus* L. var. *radicula* Pers - **редиса** (сем. Brassicaceae). Из софоры Гриффита впервые выделены флавоноиды инермин и трифолиризин, из гебелии толстоплодной – вексипинол, из лука репчатого - астрагалин и из **редиса** – леспедин.

В настоящей работе выделенные флавоноиды идентифицированы на основании химических превращений, изучения ИК-, УФ-, ПМР-, КД- и масс-спектров. Приведены сведения о биологической активности выделенных флавоноидов.

Флавоноид 1, $C_{16}H_{12}O_5$, т.пл. 180-181⁰, $[\alpha]_D -211,4^0$ (этанол), имеет характерный для птерокарпанов УФ-спектр: λ_{max} 282,287,311 нм ($lg \epsilon$ 3,53; 3,59; 3,78). В спектре ПМР проявляются сигналы протонов 3,8,9-тризамещенного птерокарпана: 3,42-3,92 (м, 2H, H-6), 4,18 (м, 1H, H-6a), 5,50 (д, 1H, 6,0 Гц, H-11a), 6,60 (с, 1H, H-10), 6,80 (уш.с, 2H, H-4, H-7), 6,86 (дд, 1H, 8,5 и 2,0 Гц, H-2), 7,50 (д, 1H, 8,5 Гц, H-1), а также метилendioксигруппы (OCH₂O) при 5,85 м.д. (д, 2H, 1,5 Гц). Соединение 1 содержит одну фенольную гидроксильную группу и при метилировании диазометаном образует монометиловый эфир 1a. Присутствие в масс-спектре вещества 1, наряду с пиком M⁺ 284, пиков ионов с m/z 147 и 175 указывает на то, что гидроксильная группа расположена в кольце А, а метилendioксигруппа – в кольце Д [2].

Вышеизложенные данные и результаты изучения спектра КД показывают, что **флавоноид 1 идентичен** 6aR,11aR-3-гидрокси-8,9-метилendioкси-птерокарпану (инер-мину) [2-4]. Инермин обладает

выраженной фунгицидной, гербицидной и антифидантной активностью [5].

Флавоноид 2, $C_{21}H_{24}O_{10}$, т.пл.140-141⁰, $[\alpha]_D -182,6^0$ (метанол), λ_{max} 280,286,312 нм (lg ϵ 3,56; 3,61; 3.80). В спектре ПМР, наряду с сигналами, характерными для протонов инермина, проявляются сигналы протонов углеводного остатка при 5,44 (д, 1H, 7,0 Гц, H-1')) и 3,86-4,53 м.д. (м).

Данные УФ- и ПМР-спектров свидетельствуют о том, что рассматриваемое вещество является птерокарпановым гликозидом. Ацетилированием вещества 2 уксусным ангидридом получили тетраацетильное производное 2а с т.пл.187-188⁰, M^+ 604. Кислотный гидролиз соединения 2 привел к получению инермина и D-глюкозы. Таким образом, соединение 2 является инермин-3-О- β -D-глюкозидом (трифолиризином) [4, 6].

Список литературы

5. Батиров Э.Х., Юсупова С.С., Абдуллаев Ш.В. Вдовин А.Д., Маликов В.М., Ягудаев М.Р. Структура двух новых флаванолов из *Vexidia alorescuroides* // Химия природных соединений. 1985. №1. С.35-41.
6. Wong E. The Isoflavonoids. In: The Flavonoids. Ed. By Harborne J.B., London, 1975, P.744-788.
7. Cocker W., Dahl T., Dempsey C., Mc Murry T.B. Inermin, an extractive of *Andira inermis* // Chem and Ind., 1962, P.216-217.
8. Юсупова С.С., Батиров Э.Х., Киямитдинова Ф., Маликов В.М. Изофлавоноиды *Cicer mogoltavicum* // Химия природных соединений. 1986. №5. С.639-640.
9. Телитченко М.М., Остроумов С.А. Введение в проблемы биохимической экологии. М., 1990. 285 с.
10. Son Bredenberg J.B., Nietala P.K. Confirmation of the structure of trifolirhizin // Acta Chem. Scand., 1961. V.15. P.936-937.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УНИВЕРСАЛЬНОЙ КАЛИБРОВКИ БЕНУА В ЭКСКЛЮЗИОННОЙ ХРОМАТОГРАФИИ ВОДОРАСТВОРИМЫХ ПОЛИСАХАРИДОВ

*Боймирзаев А.С., Абдилалимов О, Журабоев Ф., Отакузиева Г.
Наманганский инженерно-технологический институт*

Эксклюзионная или гель-хроматография (ГХ) в настоящее время является наиболее быстрым и эффективным методом определения молекулярно-массового распределения полимеров. Полиэлектrolитные эффекты и явления агрегации макромолекул в водных бессолевых растворах полисахаридов приводят к нарушению механизма разделения метода ГХ и тем самым препятствуют нахождению истинных значений молекулярного массового распределения (ММР) полимеров [1]. В докладе обсуждаются элюционные поведения арабиногалактана (АГ), пуллулана, полиэтиленоксидов и галактоглюкоманнана в водно-солевых растворах.

Серия образцов АГ лиственницы сибирской *Larix sibirica* с различной ММ были получены в Иркутском институте химии им.А.Е.Фаворского Сибирского отделения РАН [2,3] и предоставлены нам для исследования ММР.

Анализы образцов АГ проводили на жидкостном хроматографе Merck–Hitachi LaChrom с рефрактометрическим детектором L-7100 с использованием в качестве сорбента TSK GM PW_{XL}. При хроматографировании АГ в водном элюенте нами обнаружены бимодальные хроматограммы, первый компонент из которых выходит вблизи свободного объема хроматографической колонки. Подобный эффект также получен в работе [4]. Этот факт свидетельствует об образовании надмолекулярных структур АГ в воде, т.е. происходит частичная агрегация макромолекул АГ [2]. Однако асимметрии профиля в гель-хроматограммах АГ в воде и концентрационной зависимости времени удерживания не наблюдали, и этот факт подтверждает отсутствие эффектов ионной эксклюзии или полиэлектролитного набухания в данной хроматографической системе. При этом установлено, что при использовании элюентов: водных растворов 0,1 М NaNO₃ и 0,036 М LiBr+0,036М Н₃РO₄ бимодальность гель-хроматограмм исчезла и нами получены унимодальные хроматографические пики, что может свидетельствовать о разрушении межмолекулярных ассоциатов в указанных элюентах.

Из данных ЭЖХ-анализа в 0,1 М NaNO₃ нами были рассчитаны ММ серии образцов АГ с использованием принципа универсальной калибровочной зависимости Бенуа [1]. ММ определяли по следующей методике: сначала построена калибровочная зависимость lg М от V_R для узкодисперсных стандартов пуллулана, и определены значения характеристической вязкости образцов АГ. Затем из условия равенства гидродинамических объемов пуллулана и АГ, соответствующих фиксированному значению удерживаемого объема, используя известное соотношение {M₁[η]₁} = {M_{АГ}[η]_{АГ}}, (M₁, [η]₁ ММ и характеристическая вязкость пуллулана соответственно) определяли средние молекулярные массы АГ. Для расчета M₁[η]₁ использовали следующие значения коэффициентов в уравнении Марка-Куна-Хаувинка для пуллуланов: K=1,91 · 10⁻⁴ дл/г, а =0,67 [5]. Из проведенных исследований можно заключить, что использование водного раствора 0,1 М NaNO₃ приводит к разрушению ассоциатов и указанный состав элюента позволяет определить молекулярно-массовые параметры АГ и Na-КМЦ методом ЭЖХ в отсутствие каких-либо энтальпийных межмолекулярных взаимодействий.

Литература

1. Беленький Б.Г., Виленчик Л.З. Хроматография полимеров. М.Химия. 1978.344
2. Медведева С.А., Александрова Г.П., Танцырев А.П. Лесной журн., 2002, №6.

3. Медведева С.А., Александрова Г.П. Панорама современной химии России. Синтез и модификация полимеров: Сб. обзорных статей. - М.: Химия, 2003.
4. Т.Е.Eremeeva, Т.О.Вукoвa. Carbohydr. polym., 18 (1992) 217-219.
5. Т.Като, Т.Окамото. Biopolymers, 1981, v.21., No8, p.1623-1633

УГЛЕВОДЛАРНИНГ ИНСОН ОЗУҚАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Абдуллаев И.Э., , Рахмонова М.Ч.


Термиз давлат университети, Термиз шаҳри

Инсон озукаси таркибида бошқа тўйимли моддалар қаторида албатта, углеводларнинг бўлиши шарт. Углеводнинг бевосита вазифаси инсон танасида ҳарорат ва мушак энергияси ишлаб чиқишдир. Углеводнинг инсон организмида парчаланиш миқдоридан ортиқ миқдорда қабул қилиниши унинг ёғга айланиб тўқима шаклида тузилишига олиб келади. Бундан ташқари ортиқча истемол қилинган углеводнинг бир қисми гликоген шаклида жигарда ва мушакларда захира сифатида шаклланиши мумкин.

Мавжуд углеводларнинг кўпчилиги инсон организми томонидан ўзлаштирилмайди, масалан кенг тарқалган ва олиниши осон бўлган целлюлоза углеводи организмда ҳазм бўлмайди. Инсон организмида ҳазм бўлувчи углеводлар сони унчалик кўп эмас, улар ҳозирги кунда тўққиз хил кўринишни ташкил этади холос.

Озиқавий углеводларни уларнинг кимёвий тузилишига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин бўлиб, 1 гуруҳга моносахаридлар (глюкоза, фруктоза, галактоза), 2 гуруҳга дисахаридлар (сахароза, лактоза, мальтоза) ва 3 гуруҳга полисахаридлар (крахмал, инулин, гликоген) киради.

Моносахаридлар инсон организми томонидан енгил ва тўлиқ ўзлаштирилади. Озиқ-овқат таркибида қабул қилинган моносахаридлар ичак ва ошқозан деворларида сўрилиб ўзгаришларсиз қонга ўтади. Қондаги моносахаридлар миқдори инсон организми томонидан бошқарилади ва ушбу миқдорни тартибга солувчи орган сифатида жигар асосий ролни ижро этади. Моносахаридларнинг қондаги мўътадил миқдори умумий қон вазнининг 0,10% ташкил этиши лозим бўлиб, миқдордан ортиқ бўлган қандлар жигардан ўтиш чоғида гликоген шаклида тўплана бошлайди. Агарда жигардан ўтувчи қон таркибида моносахаридлар миқдори кам бўлса, тесқари ҳодиса содир бўлади, яъни гликоген глюкоза ёки фруктозага парчаланиб қон таркибига ўтади. Шундай қилиб, жигардан чиқувчи қон таркибидаги моносахаридлар миқдори қатъий равишда бошқарилиб турилади.



1-расм: Углеводларнинг кимёвий тузилиши.

Дисахаридлар эса организмда сўрилишдан олдин моносaхаридларга айланади ва бу ўзгариш оғиз бўшлиғидаги сўлак ферменти пtiалин таъсирида содир бўлади. Дисахаридларнинг моносaхаридларга тўлиқ айланиши ошқозон ва ичакларда содир бўлиб, ҳазм бўлиш жараёни моносaхаридлардек кечади.

Полисахаридлар ўзларини инсон организмда бир мунча бошқача тутишади. Сўлак ферменти ва ошқозондаги суюқлик таъсирида полисахаридлар гидролизланади ва моносaхаридларга айланади. Лекин полисахаридларнинг моносaхаридларга айланиши бир қатор боғланишлар оралиғида содир бўлади ва моносaхаридга айланиш жараёни ҳамма вақт охиригача бормайди. Моносaхаридларга айланган полисахаридлар инсон организмда ҳазм бўлади, полисахарид шаклидаги қандлар эса инсон организми томонидан ўзлаштирилмайди.

Шундай қилиб, инсон организми томонидан қабул қилинадиган углеводлар келиб чиқиши бўйича ўсимлик ёки чорва маҳсулоти таркибида бўлиши мумкин. Лекин саноат миқёсида олинadиган озуқавий углеводларнинг асосий қисми ўсимлик хом-ашёсидан олинади ва хом-ашё сифатида қўлланиладиган ўсимликлар қандга бой ўсимликлар деб номланади.

Қандга бой бўлган ўсимликларни уч гуруҳга: крахмалга, инулинга ва қандга бой ўсимликларга ажратишимиз мумкин.

Крахмалга бой ўсимликларга барча бошоқли донлар ва картошка ўсимлиги кириб, улардан саноат миқёсида крахмал ажратиб олинади. Шу билан биргаликда донлардан ажратиб олинadиган крахмал ўзининг ташқи кўриниши ва физик хоссалари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Крахмал ишлаб чиқариш саноатида хом-ашё сифатида буғдой, шоли ва маккажўхони донлари муҳим аҳамият касб этади.

Инулинга бой бўлган ўсимликларга цикорий, топинамбур ва топинамбур гибридлари мансуб бўлиб, инулин цикорий ўсимлигининг илдизида, топинамбурда эса туганакларида мавжуддир.

Қандга бой бўлган ўсимликлар табиатда кенг тарқалган бўлиб, қанд ушбу ўсимликларнинг илдизи, пояси ва мевасида катта миқдорда мавжуд бўлади. Қанд саноати хом-ашёси сифатида қўлланиладиган ўсимлик турлари унчалик кўп бўлмай, улар асосан шакарқамиш, қанд лавлаги, қандли жўхори (сорго), маккажўхори (пояси), қандли пальма ва қандли

янтқодир. Улардан қанд ишлаб чиқаришда асосан шакарқамиш, қанд лавлаги, қандли жўхори (сорго)дан фойдаланилади.

Барча озуқавий углеводларни икки катта гуруҳга ажратишимиз мумкин бўлиб, уларга крахмалли (крахмал, инулин, гликоген) ва қандли (сахароза, глюкоза, фруктоза, мальтоза, лактоза, галактоза) озуқавий углеводлар киритилади. Озуқавий углеводларнинг асосийсини сахароза ташкил этиб, у энг кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Собиқ иттифоқ худудида қандли лавлагини қайта ишлашга ихтисослашган йирик саноат мажмуаси мавжуд бўлган бўлиб, унда шакар ва оқ қанд кўринишидаги сахароза ишлаб чиқарилган.

Аҳамиятига кўра глюкоза озиқавий углеводлар каторида иккинчи ўринда туради. Ишлаб чиқаришда глюкоза қуюқ шинни, кристалл ва маккажўхори шакари кўринишида картошка ва маккажўхори крахмалидан олинади ҳамда бундай ишлаб чиқариш крахмал-шинни саноати деб номланади. Сахароза ва глюкоза қаторида бошқа озиқавий углеводлар, фруктоза, мальтоза, лактоза ҳам ишлаб чиқарилади, лекин қанд ва крахмал-шинни саноати қандга бой бўлган ўсимликларни қайта ишлашга ихтисослашган асосий саноатдир. Мальтоза шинни кўринишида ишлаб чиқарилиб, картошка крахмалидан ферментли гидролизлаш орқали олинади ва нон булка, кондитер саноати эҳтиёжи сифатида қўлланади. Лактоза эса сут зардобидан олиниб, асосан сут шакари кўринишида медицина дори-дармони сифатида ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқатлик нуқтаи назардан глюкоза ҳамда фруктоза тўлиқ қийматли қандларга кирмайди ва сахарозага қараганда паст калорияликга эга бўлиб, уларнинг инсон организмига физиологик таъсири жуда пастдир. Озиқавий углеводлар ичида сахароза юқори қийматли маҳсулот ҳисобланганлиги учун ҳамда ишлаб чиқаришда ўсимлик хом-ашёсидан ушбу маҳсулотни ажратиб олиш жараёнининг бошқа углеводларга қараганда соддароқ бўлганлиги сабабли уни ишлаб чиқариш кенг миқёсда амалга оширилиб келинмоқда.

Инсон озуқаси таркибида асосий ўринлардан бирини эгаллаган сахарозани ишлаб чиқаришда асосий хом-ашё қанд лавлагидан ташқари шакар қамиш ва қандли жўхори ўсимликлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Трегубов Н.Н. и др., Технология крахмала и крахмалопродуктов., М.: Легкая и пищевая промышленность, 1981 год.
2. Нечаев А.П. и др., Пищевая химия.- СПб.: ГИОРД, 2007, стр. 349-456.
3. Нечаев А.П. и др., Технологии пищевых производств.-М.: КолосС, 2005, стр. 280-309.
4. Ковальская Л.П. и др., Технология пищевых производств.-М.: Колос, 1999, стр. 280-309.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАДОҚЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдуллаев И.Э., Нормаматов А.Р., Ахматов Б., Жўраев Б.Х.

Термиз давлат университети

Озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлаш учун мўлжалланган материалларга жуда қаттиқ талаблар қўйилади. Савдода маҳсулот массасининг йўқотилишини бартараф этиш, унинг сифатини сақлаш, кимёвий таркиби ва оргонолептик хусусиятларининг исталмаган ҳолда ўзгаришини пасайтириш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашда турли материалларидан фойдаланилади. У ифлосланган маҳсулотлар, микрофлора билан уруғланган, зараркунандалар билан зарарланганлигидан огоҳлантирадиган керакли санитар шароит яратади. Қадоқлаш материални қўллашнинг мажбурий шартларидан бири қадоқ идишининг инсон учун физиологик ҳавфсизлигини тасдиқловчи гигиеник сертификатнинг мавжудлигидир. Қадоқлаш идиши озиқ-овқат маҳсулотининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда енгил ва мустаҳкам, маҳсулотни деформациядан яхши ҳимоялайдиган ўзига хос талабларга мос келиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқ идиши икки турга бўлинади: ташқи ва ички. Уларнинг ҳар бири ўзининг индивидуал вазифасига эга.

Ташқи идишларда маҳсулотлар ташилади ва сақланади: булар яшиклар, контейнерлар, бочкалар, қоплардир. Ичкилари шакар, чой учун қутилар, ичимликлар учун бутилкалар ва б. ҳисобланади. Ёрдамчи материаллардан қоғоз, гофрланган ёки прессланган картон, ёғоч ва қоғоз парахалари ишлатилади. Қадоқ идиши тайёрланган материалга қараб ёғоч, текстил, шиша, металл, картон, қоғоз ва полимер материаллардан бўлиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг картонли ва қоғозли қадоқ идишлари – бу сават, крафт-қоплар, пакетлар, қутилардир. Улар ёғоч массаси ёки ёғоч массаси қайта ишлаб олинган маҳсулотлар – целлюлозадан тайёрланади. Ҳажми 40 кг гача текис ва гофрланган картондан тайёрланган ёки ҳажми 32 кг гача прессланган қоғоз массасидан тайёрланган саватлар енгил, қулай ва ёғоч яшикка нисбатан арзон идиш сифатида кенг тарқалган. Улар механик таъсирларга нисбатан анча чидамли, парафинга ботирилганлари эса маҳсулотларни намланишдан сақлайди. Уларга кондитер ва макарон маҳсулотлари, рафинирланган шакар, пишлоқлар, сариёғ, маргарин ва творог, тухум ва озиқ-овқат концентратлари, туз, мевалар қадоқланади.

Қоғозни ўткир олтингугурт кислотаси билан ишлов бериб олинган ёғ ўтказмайдиган пергамент, шунингдек, целлюлозанинг турли хилларидан тайёрланган пергамен ёғ, маргарин, озиқ-овқат концентратлари ва ароматик моддалари сақланиши зарур бўлган – кофе, чой, зиравор маҳсулотларини қадоқлаш учун ишлатилади. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари полиэтилен қобикли ёки полиэтилен парафинли қобикли

парафинланган қадоқлаш идишлари ишлаб чиқарилади. У кондитер маҳсулотлари ва творог учун қўланилади. Ташқи томони парафин билан ишлов берилган, ички томони эса полиэтилен билан иккиламчи қопланган қоғоз сут ва қаймоқ қадоқланадиган тетра ва пюрпаклар учун қўлланилади.

Қадоқланган маҳсулотлар билан савдо-сотикнинг кенгайиши муносабати билан йилдан-йилга полимер қадоқ идишлари кенг миқёсда қўлланилмоқда. Бундай идишларга қалинлиги 250 мкмдан катта бўлмаган яшиклар ва плёнкалар киради. Улар учун мажбурий шарт уларнинг кимёвий барқарорлиги ва организм учун ҳавфсизлигидир. Бу уларнинг бевосита товар билан таъсирланиб туриши билан боғлиқдир.

Целлофан – қалинлиги 27-60 мкм, целлозадан ишлаб чиқариладиган, визкозадан олинган шаффоф ялтироқ плёнка. У колбаса қобиқлари тайёрлашда, кондитер товарлари қутилари, тамаки маҳсулотларини декоратив қадоқлашда қўлланилади. Локланган целлофан – бу зираворлар, кондитер маҳсулотлари, қоқ нон, печенье, гўштли яримтайёр маҳсулотлар, пишлоқларни қадоқлашда ишлатилади. Унинг буғ ўтказувчанлигини камайтириш, намликка бардошлилигини узайтириш ва пайвандланишини яхшилаш мақсадида сополимерлар билан иккиламчи қопланади.

20-200 мкм қалинликдаги полиэтилен плёнкалар ёғга бой маҳсулотлардан ташқари кўпгина товарлар учун қўлланилади. Бундай полимер қадоқ идиши яшик ва бочкаларда алмашинувчи қисм бўлиб хизмат қилади. Бу материал целлофан, қоғоз, картон билан иккиламчи қопланади.

Полипропилендан олинган плёнкалар иссиқликка бардошли, шунинг учун улар патерланиши, стерилланиши ёки қиздирилиши зарур бўлган товар учун ишлатилади. Шунингдек, полистирол, поливинилхлорид ва унинг сополимерлари, полиэтилентерефтолат ва бошқа материаллар полимер қадоқ идиши сифатида қўлланилади. Бу уларнинг гигиеник, эстетик ва бошқа барча зарур талабларни қондиради.

Маҳсулотларни сақлаш давомида сифатнинг камайишининг олдини бутунлай тўхтатиб бўлмайди. Бироқ, бу соҳада фан ва техниканинг ютуқларини қўллаш, келажакда муаммоларни ўрганиб бориш озикавий қийматининг ўзгариши ва йўқотишларнинг минимал даражага етказиш учун қулай шароит яратиш имконини беради.

Бугунги кунда савдо тармоғида асосан қадоқлаш плёнкалари ишлатилади. Бу нафақат товарнинг сақланувчанлигини таъминлайди, балки арзон ва ўзининг тўлиқ эксплуатацион функциясини бажаради. У одатда шаффоф кўринишида ишлаб чиқарилади, бироқ ҳозирги кунда ишлаб чиқарувчилар томонидан ранг-баранг бўёқда, ҳаттоки расмлар солиб ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Харидорнинг фақат ўзига жалб қиладиган товарни танлаши табиийдир. Ишлаб чиқарувчи томонидан товарнинг ташқи эстетик кўринишига эътибор қаратилмаган бўлса, харидор пул сарфлашни ҳохламайди. Қадоқлаш идиши сифатидаги плёнка харидорга сотиб

олаётган маҳсулотини визуаль равишда баҳолаш имконини беради. Бу жуда қулай ва кўп вақтни олмайди.

Кўпинча чанг, микроорганизмлар ва бошқа негатив таъсирлар товарга тузатиб бўлмайдиган таъсир кўрсатади. Қадоклаш идиши сифатида плёнкаларни қўллаш нафақат товарнинг сифитани сақлаш, балки сезиларли даражада уларнинг яроқлилик муддатини узайтириш имконини беради. У юқори даражада сувга чидамлилиги ва газ ўтказмаслиги, микробларга ишончли барьер ҳосил қилиши билан ажралиб туради.

Ҳозирги кунда пластик матреалдан жуда чиройли ва ишончли қадок идиши ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда улар жуда оммабоп, шунинг учун унинг ассортименти ҳам жуда хилма-хилдир. Идишнинг эстетик қулайликлари баҳолашда муҳим кўрсаткич харидор ва сотувчининг фойдаланишидаги қулайликлар ҳисобланади.

Агар жуда кўп қутилар ичида у ёки бошқа бир товарни жуда тез топиш дўкон сотувчиси учун мушкул бўлса, бунинг сабаби – пластикдан ёмон қадок идиши тайёрланган. Агар товарни очиш учун бирон бир асосий янгилик, қобилят ёки оддий физик куч талаб этилса, бунда ҳам нотўғри қадок идиши тайёрланган бўлади. Шунинг учун юқоридаги барча идишларнинг барча турлари мустаҳкамлик, гигиениклик, амалиётга тадбиқ этилганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича дастлабки синовдан ўтиши лозим.

Ахборот билан таъминланганлик ва маънодорлик – кейинги асосий кўрсаткич ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати ҳар хил маҳсулотларнинг жуда бой ассортиментини ишлаб чиқаради. Лекин, харидор ҳар доим ҳам қадок идишига қараб қандай товар эканлигини аниқлай олмаслиги мумкин. Албатта, пластикдан тайёрланган қадок идиши ўзига жалб этадиган бўлиши керак, бироқ “тўзаллик фойдадан ҳоли эмас” принципи бу ерда ўз аксини топиши керак.

Агар қутининг шакли ичидаги маҳсулот ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаса, яъни товар ҳақида ахборот бўлмаса, харидор сотувчига саволлар билан мурожаат қилади. Агар товар ўзининг чиройли ҳамда бир вақтнинг ўзида қулай пластик идишга қадокланган бўлса, шунингдек, унинг таркиби қандайдир замонавий усул билан акс эттирилган бўлса харидорга совғадай бўлмайдими? Қутининг яхши шакли, қопланганлиги, тасвирнинг ёдда қолиши ёки қисқа номланиши – бунинг ўзи етарлидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Трыкова Т.А., Товароведение упаковочных материалов и тары. – М.: Дашкова и Ко, 2008.
2. Голуб О.В., Васильева С.Б., Упаковка и хранение пищевых продуктов.– Кемерово, КТИПП, 2005.
3. Гуль В.Е. и др. Упаковка продуктов питания.–М.: 1996.
4. Хорунжин В.С., Фукс М.Л., Тара и ее производство.–Кемерово, КТИПП, 2004.
5. Ефремов Н.Ф., Тара и ее производство.- М: МГУП, 2001.
6. Букин А.А., Тара и ее производство.-Тамбов, ТГТУ, 2006.

ОЗИҚАВИЙ ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ТАЪСИРИ ВА ЎРНИ

*Абдуллаев И.Э., Панжиева Г.
Термиз давлат университети*

Озуқавий қўшимчалар тарихи бир неча минг йилликни ташкил этади. Қадим замонлардан инсон овқатнинг таъмини, ҳиди, рангини яхшилаш учун турли усулларни излаб келган ва бунга эришиш мақсадида ҳозирги кунда ҳаётимизда кунаро ишлатиладиган сирка, асал, туз, шароб ҳамда бир неча табиий бўёқлардан фойдаланган. Масалан, қадимги Римда шаробни барқарорлаштириш учун сульфат кислотасидан фойдаланилган, шарқ мамлакатларида эса турли зиравор ишлатилган.

Баъзи бир қўшимчалар жуда бой тарихга эга. Ранг берувчи қўшимча ҳисобланувчи карминнинг (ҳозирги кунда E120 қўшимчаси) келиб чиқиш тарихи библия афсоналарига бориб тақалади. Ўша замонларда кармин ҳашаротлардан олинган тўқ қизил рангли бутун дунёда ҳаммабоп бўёқ бўлган. Сўнгра ушбу қўшимча Европа, Осиё минтақаларида газламаларни бўяшда ҳамда маҳсулотларга ўзига хос ранг беришда кенг фойдаланилган. Бироқ қўшимчаларнинг хусусияти XIX-XX асрга келиб ўрганила бошланди. XIX асрда ишлаб чиқарувчилар олдида маҳсулотни сақлаш ва ташишда бузилишини олдини олиш мақсадида турли қўшимчалардан фойдалана бошлаганлари бу соҳада кескин бурилиш ясади. Озиқавий қўшимчалар сифатида турли ароматизаторлар ва ранг берувчилардан кенг миқёсда фойдаланила бошлади ва қисқа вақт ичида 500 яқин турли мақсадларда ишлатиладиган озуқавий қўшимчалар пайдо бўлди.

Шу билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўпгина мамлакатлар табиий маҳсулотлардан олинган озиқавий қўшимчалардан фойдаланишга ҳаракат қилиб келишганлигига қарамасдан, ҳозирги кунда озиқ-овқат кимёси фанининг кенг ривожланиши сабабли уларни сунъий равишда ишлаб чиқарилмоқда. XX асрнинг 30-йилларига келиб озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва таъмини яхшиловчи қўшимчаларни узлуксиз ишлаб чиқариш йўлига ўтилди. Ишлаб чиқариш билан бир қаторда уларнинг маҳсулотни сақланувчанлиги, ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилиб борилди.

Шундай қилиб озуқавий қўшимчалар маҳсулотга технологик мақсадларда, уларни қадоқлаш, ташиш ва сақлаш жараёнларида исталган хусусиятни яратиш мақсадида, яъни маълум бир хидни (ароматизаторлар), рангни (бўёвчилар), таъмини, консистенцияни (куюлтирувчилар ва эмульгаторлар), сақланиш муддатини ошириш (консервантлар) учун қўшилади.

Озиқавий қўшимчаларни маҳсулот таркибига қўшишда қуйидаги асосий мақсадлар кўзда тутилади:

- хом-ашёни қайта ишлашга тайёрлаш, маҳсулотни тайёрлаш, уни қадоқлаш, ташиш ва сақлаш технологик жараёнларини такомиллаштириш;
- маҳсулотнинг табиий сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш;

- маҳсулотнинг органолептик хусусиятларини яхшилаш ва сақлашда маҳсулот барқарорлигини ошириш;
- маҳсулотни узоқ муддат фойдаланиш жараёнида ҳам истеъмолчи соғлигига зарар етказмаслик;
- сифат кўрсаткичи паст бўлган хом-ашё ёки тайёр маҳсулот истеъмол қийматини яширмаслик.

Озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиладиган қўшимчалар қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

- маҳсулот таъмини яхшиловчи моддалар (ароматизаторлар, таъм берувчи ва ширинлаштирувчи моддалар, кислоталар ва рН мухитни ростловчилар);
- маҳсулот ташқи кўринишини яхшиловчи моддалар (ранг берувчилар, рангни барқарорлаштирувчилар, оқартирувчилар);
- маҳсулот таркибий қисмини шакллантирувчи ва консистенцияни тартибга солувчи моддалар (кюлтирувчилар, эмульгаторлар, гель ҳосил қилувчилар, стабилизаторлар);
- маҳсулот сақланувчанлигини оширувчи моддалар (консервантлар, антиоксидантлар).

Юқорида келтирилган тавсифлар озиқ-овқат қўшимчаларининг технологик функцияларига асосланган бўлиб, бироқ уларни аниқлаштирувчи бошқа қатъий норматив ҳужжатлар ҳам мавжуд. Масалан ФАО¹ нинг озиқ-овқат қўшимчалари бўйича экспертларнинг бирлашган қўмитасининг тавсифига кўра “озуқавий қўшимчалар – маҳсулотнинг ташқи кўриниши, таркибий тузилиши, таъмини яхшилаш ва сақланувчанлигини узайтириш мақсаотида кам миқдорда қўшиладиган ноозуқавий модда ҳисобланади” дейилган.

ФАО-ВОЗ² комиссияси ушбу тавсифга яънада кенгроқ изох берган- “маҳсулотни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ташиш ёки сақлаш жараёнида технологик мақсадларни кўзлаб (жумладан маҳсулотнинг органолептик хусусиятларини яхшилаш учун) қўшиладиган ҳар қандай модда, ҳаттоки у озиқ-овқат сифатида истеъмол қилинмаса ҳам, ёки ҳеч қандай озиқавий қийматга эга бўлмаса ҳам озуқавий қўшимча деб ҳисобланади”.

Ҳозирги кунда озуқавий қўшимчаларнинг ишлаб чиқарувчи томонидан озиқ-овқат маҳсулотларида кенг қўлланилиши сабабларини қуйидагича асослаш мумкин:

- тез бузилувчи маҳсулотларни узоқ масофаларга ташишда ва сақлашда сақланувчанлигини ошириш;
- истеъмолчида шаклланиб бўлган маҳсулотнинг таъми ва рангини унча қиммат бўлмаган технологик жараёнлар ёрдамида шакллантириш, бунинг учун ароматизаторлар, ранг берувчилар ва бошқалардан фойдаланиш;

¹ ФАО - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти.

² ВОЗ – Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти.

- янги озиқ-овқат махсулот турларини (паст калорияга эга бўлган гўшт, сут, балиқ махсулотларини ўрнини босувчиларни) консистенцияни бошқарувчи озуқавий қўшимчалар ёрдамида яратиш;
анъанавий ва янги озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш.



1-расм: Озиқ-овқат қўшимчаларининг тавсифи.

Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қўшимчалар, комбинацияланган қўшимчалар, ароматизаторлар ва ҳид берувчи моддалардан ташқари ҳозирда 500 тани ташкил этади. Уларнинг қўлланилиши бўйича рақамли кодлаш системаси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир озиқавий қўшимчага 3 ёки 4 рақамдан иборат тартиб рақами бириктирилган. Озиқавий қўшимчаларга бириктирилган идентификация рақамлари аниқ шархлашларга эга бўлиб улар қуйидагича тушинилади:

- ушбу аниқ модда хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтказилган;
- модда хавфсизлиги ва технологик заруриятига кўра, ҳамда истеъмолчини махсулот тури ва озиқавий таркиби бўйича янглиштирмаган ҳолда фойдаланишга рухсат этилади ёки тавсия қилинади;
- ушбу модда бўйича озиқ-овқат махсулотларининг сифат даражасини аниқлаш бўйича софлик мезонлари белгиланган.

Шундай қилиб рухсат этилган ва идентификация рақамларига эга бўлган озиқавий қўшимчалар аниқ белгиланган хусусиятларга эгадирлар.

Кўрсаткичлар гуруҳи	Технологик тавсифи ва вазифаси
E100 — E199 Ранг берувчилар	Махсулотнинг рангини кучайтирувчи ёки тикловчи табиий ва сунъий модда. Озиқавий ранг берувчилар озиқ-овқат саноатининг турли соҳалари қўлланилади, кўпинча кондитер ва алкаголсиз ичимликлар тайёрлашда қўлланилади.
E200 — E299 Консервантлар	Махсулотнинг сақланиш муддатини узайтириб, микроорганизмлар таъсирида унинг бузилишига йўл қўймайди. Микроорганизм ва замбуруғларга нисбатан дезинфекциялаш хусусиятига эга бўлган кимёвий моддалар. Асосан мураббо, повидло, мармелад, меланж, маргарин, балиқ икриси, мева-резавор мева шарбатлари, шароблар, томат ва мева-резавор мевалар пюрелари, пишлоқ, куюлтирилган сут, ярим дудланган колбаса махсулотлари ва ҳ.к. тайёрлашда

	қўлланилади.
E300 — E399 Анти-оксидантлар	Консервантлар сингари маҳсулотнинг сақланувчанлигини оширади. Лекин консервантлар микроорганизмлар фаолиятини чекласа, антиоксидантлар маҳсулот таркибидаги озикавий компонентларнинг оксидланишига йўл қўймайди. Асосан ёғ кислоталари кўп бўлган маҳсулотларни (маргарин, қаймоқ, чорва мойлари, х.к.) сақланувчанлигини оширишда қўлланилади.
E400 — E499 Стабилизаторлар, қуюлтирувчи-лар, эмульгаторлар	Стабилизаторлар моддаларни боғловчи хусусиятга эга бўлиб, озиқ-овқат маҳсулот таркибидаги икки ёки ундан ортиқ бўлган маҳсулотни бир турга ўхшаш ҳолатда сақлаш имкониятини беради. Шу билан биргаликда маҳсулот таркибидаги намлик ва сувни ушлаб туриш хусусияти эгадир. Қуюлтирувчилар ёки гел ҳосил қилувчилар қовушқоқлигини ошириш учун хизмат қилиб, сувни ўзига бириктириш орқали маҳсулот консистенциясини ўзгартиради. Уларга табиий ҳолда олинувчи желатин, пектик, агар-агар, камедлар, ҳамда сунъий модификацияланган целлюлоза ва крахмални келтиришимиз мумкин.
E500 — E599 pH мухитни ростловчилар, зичлашишга қарши моддалар	pH мухитни ростловчилар куруқ вижиллама ичимликларда минерал сув таъмини ҳосил қилиш, печеньелар ишлаб чиқаришда ҳамирни юмшатиш ва ғовак ҳолатига келтириш, ҳамда қуюлтирилган сут консервалари ишлаб чиқаришда кислоталикни тушириш учун хизмат қилади. Асосан натрий бикорбанат, натрий карбонат ва аммоний карбонат, ҳамда натрий (E524), калий (E525), кальций (E526), аммоний (E527), магний (E528) гидрооксидлари, кальций (E529), магний (E530) оксидларидан фойдаланилади. Кукунсимон маҳсулотларни (ун, куруқ сут, шакар пудраси ва бош.) сақлаш даврида зичлашиши ва қумалоқланиши тўкилувчанлигини ёмонлаштириб, истеъмол қийматини пасайишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун маҳсулот таркибидаги намликни ўзига сингдирувчи қўшимчалар, кремний диоксиди (E551), кальций силикат (E552), каолиндан (E559) фойдаланилади.
E600 — E699 Таъм ва хидни кучайтирув- чилар, араматизаторлар	Таъмни ва хидни кучайтирувчилар, араматизаторлар озиқ-овқат ва кондитер саноатида маҳсулотга ўзига хос хид бериш учун қўлланилади. Бунинг учун табиий экстрактлар, димламалар, меварезавор мева шарбатлари, қиёмлари, зираворлар, эссенциялар, эфир мойларидан фойдаланилади.
E700 — E799 Антибиотиклар	Антибиотиклар гўшт, балиқ, сабзавот ва бир қанча бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда узоқ муддат бузилишдан сақлаш хусусиятига эга бўлиб, консервантларга нисбатан озиқ-овқат саноатида қўлланилиши бўйича иқтисодий самарадорликка эгадир. Айниқса хом гўшт ва балиқ маҳсулотларини узоқ масофаларга ташишда қўлланилади.
E800 — E899 Бўш рақамлар	
E900 — E999 Бошқалар	

Охирги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда озикавий қўшимчалардан фойдаланиш кескин ортди. Ҳозирги пайтда озикавий қўшимчалар ишлатилмаётган озиқ-овқат саноатининг бирон бир тармоғини тасаввур қилиб бўлмайди. Озикавий қўшимчалар кундалик турмушимиз, пазандачиликда ҳам кенг қўлланилмоқда. Ушбудан келиб чиқиб озикавий қўшимчаларга қўйилаётган асосий талаб уларнинг инсон

организми учун хавфсизлигидир. Шу билан биргаликда эсда тутиш лозимки озиқ-овқат маҳсулотлари билан биргаликда озиқавий қўшимчаларни турли ёшдаги, ҳамда турли физиологик ҳолатдаги инсонлар истеъмол қилмоқдалар.

Айниқса, ёш болалар ва катталар ҳам бирдай севиб истеъмол қилувчи салқин ичимликларга E102-тартразин, E121-қизил цитрус, E122-кармуазин, E124-понсо, E127-эритрозин, E133-ялтироқ кўк, қандолат маҳсулотларига E100-куркумин, E182-орсейл, E200-сорбин кислотаси, E500-натрий карбонат моддалари қўшилади ва бошқа тур маҳсулотларга аралашма сифатида яна етмишга яқин озуқавий қўшимчалар ишлатилади. Аммо ушбу озуқавий қўшимчалар меъеридан ошиб кетса, қондаги иммуноглобулиннинг камайишига, паришонхотирликка, жигар хасталигига, мутагенлик ва аллергия касалликларини келтириб чиқаришга асос яратади.

Ишлаб чиқарувчилар маҳсулотга доир рецептураларни Соғликни сақлаш вазирлиги билан келишадилар. Аммо озуқавий қўшимчаларнинг меъёрлари санитария меъёр ва қоидаларида келтирилган бўлишига қарамай, уларни тўлиқ синаш имкониятига эга бўлган давлат санитария-эпидемиология назорати марказларидаги ёки илмий текшириш марказларидаги синов лабораторияларида синов ускуналари етарли эмас. Шунинг белгилаб ўтиш лозимки кўпгина ишлаб чиқарувчилар маркетинг мақсадида қадокларда E коди билан белгиланган ингредиентларни кўрсатишмайди, балки уларни қўшимчалар номи масалан “натрий глутамат” билан алмаштиришади, ҳамда истеъмолчига янглиш фикр тақдим этишади.

Шулардан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларига қўшиладиган қўшимчалар тўғрисида етарлича маълумотлар билан истеъмолчиларни мунтазам равишда таништириб бориш ҳамда мураккаб кимёвий таркибга эга бўлган озуқавий қўшимчаларни маҳсулот таркибига қўшишни имкон қадар камайтириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нечаев А.П. и др., Пищевые добавки.-М.: КолосС, 2002, стр. 256.
2. Булдаков А.С., Пищевые добавки. Справочник. – Санк-Петербург, “Ut”, 1996, стр. 240.
3. Сарафанова Л.П., Пищевые добавки. Энциклопедия. – СПб.: ГИОРД, 2004, стр. 808.
4. Голуб В.Н., Пищевые и биологические активные добавки.-М.: Академия, 2003, стр. 5-115.
5. Нечаев А.П. и др., Пищевая химия.- СПб.: ГИОРД, 2007, стр. 349-456.
6. Сарафанова Л.А., Применение пищевых добавок в индустрии напитков.- СПб.: Профессия, 2007, стр. 240.
7. Нечаев А.П. и др., Технологии пищевых производств.-М.: КолосС, 2005, стр. 280-309.

НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СИФАТНИ ЯХШИЛОВЧИЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАСИ

*Абдуллаев И.Э., Нормаматов А.Р., Ахматов Б.Р., Панжиева Г.
Термиз давлат университети, Термиз шаҳри*

Ноннинг сифатли чиқиши ҳам ашёнинг сифатиغا, биринчи навбатда, уннинг нон ёпиш учун зарур бўлган хусусиятларига, нон ёпиш технологик жараёнининг алоҳида босқичларини ўтказишнинг усуллари ва тартиб қоидаларига, ҳамда ноннинг сифатини яхшилашга хизмат қиладиган оз миқдордаги қўшимча моддалар ёки маҳсулотларни ишлатиш билан боғлиқ. Нон ишлаб чиқариш корхонасига келиб тушган, нон ёпишга оид хусусиятлари турлича бўлган унлардан юқори сифатли нон - булка маҳсулотларини тайёрлаш нон ишлаб чиқариш корхонаси технологи учун асосий вазифа ҳисобланади.

Нон сифатининг яхшиланишига кўмаклашиши мумкин бўлган тадбирларга қуйидагиларни киритиш мумкин: унни тўғри жўвалаш, унни пневматик усулда қиздирилган ҳаво билан аралаштириб қиздириш, керакли эмулгаторни қўллаган ҳолда хамирга сув мой эмульсия ҳолатидаги мойни қўшиш, 3-5% қайноқ сувга қорилган унни хамирга қўшиш, хамирни қораётганда, ярим маҳсулотларни ясаш жараёнларида хамирга сифатли механик ишлов бериш, хамирни тайёрлаш ва усулларини қўллаш, печларни қиздириш ва нон ёпишни энг қулай шароитларда ва аниқ муддатларда амалга ошириш, ун ёки хамирга маҳсулотнинг сифатини ошириш учун қўшиладиган махсус моддалар ноннинг сифатини яхшилайдиган моддалар деб аталади. Ҳозирги вақтда, нон ёпишда ноннинг сифатини яхшиловчи моддалар сифатида биологик ва кимёвий келиб чиқишга эга бўлган ўнлаб турли моддалардан фойдаланилади. Ноннинг сифатини яхшиловчи моддалардан ўринли фойдаланиш технологик жараён тартибини ва ноннинг сифатини барқарорлаштиради. Сифат яхшиловчиларни уннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олинади.

Ҳозирги кунда қўлланилиб келинаётган замонавий сифат яхшиловчилар нафақатгина технологик вазифаларни ечмоқда, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳам оширмоқда. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаси жўшқинлик билан ривожланаётган соҳа бўлиши билан биргаликда унинг олдида ўз ечимини кутаётган бир қатор вазифалар ҳам мавжуддир:

- ишлаб чиқарилган маҳсулотни узоқ масафаларга етказиб бериш, ҳамда шу муддатда маҳсулотнинг сақланувчанлигини ошириш;
- тайёр маҳсулотнинг таннархини оширмаган ҳолда, истеъмолчи талабига сифат кўрсаткичи ва асортименти бўйича жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқариш;
- маҳсулотнинг илм фан ва овқатланишнинг ҳозирги кун талабига тўлиқ жавоб берувчи янги турларини ишлаб чиқариш;

- анъанавий ва янги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш;

- рақобатбарбош маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида илғор ресурстежамкор технологияларни тадбиқ этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ечишда озикавий қўшимчаларни қўллаш қуйидаги имкониятларни яратади.

- технологик жараёнларни жадаллаштириш, нон маҳсулотлари тайёрлашнинг тезлаштирилган технологияларини киритиш;

- хамирнинг реологик хусусиятларини аниқлашни шакллантириш (хамирнинг CO₂ газни ушлаб туриш қобилиятини ошириш, ишлов бериш учун эластиклик, қовушқоқлик хусусиятини ҳосил қилиш ва сақлаб қолиш);

- турли ассортиментдаги нон маҳсулотларининг сифатини яхшилаш;

- ўсим бораётган истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида янги турдаги нон маҳсулотлари ассортиментларини яратиш;

- хамир тайёрлашда қўлланиладиган ачиткиларнинг биотехнологик хусусиятларини яхшилаш;

- нонвойлик хусусиятлари паст бўлган унни қайта ишлашда тайёрланган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларини барқарорлаштириш;

- нон-булка маҳсулотларини микробиологик бузилишини олдини олиш ва суви қочиш жараёнини секинлаштириш.

Сўнги йилларда нон ишлаб чиқариш саноатида маҳсулот сифатига турлича таъсир қилувчи озикавий қўшимчалар ва сифат яхшиловчилар қўлланилмоқда. Уларнинг қўлланилишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- ун сифатининг барқарор эмаслиги;

- ун олишда қўлланилаётган дон сифатининг пастлиги;

- хамир тайёрлашнинг тезкор усулларини нон ишлаб чиқариш технологиясига тадбиқ этилиши;

- қайта ишланаётган хом-ашёнинг турли хиллиги;

- ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот ассортиментининг кенгайиб бориши;

